

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

А.У. АЛИМБОЕВ

**ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ ТЕХНИК ЖАРАЁНЛАРНИ  
МОДЕЛЛАШ**

Ўқув қўлланмаси

ТОШКЕНТ 2002

**УДК 66.04-977(075.8)**

**Муаллиф: А.У.Алимбоев.**

**Юқори ҳароратлы техник жараёнларни моделлаш. Үқув қўлланмаси.**

**Тошкент давлат техника университети. Тошкент, 2002.**

Ушбу “Юқори ҳароратлы техник жараёнларни моделлаш” фанида моделлашнинг асосий тушунчалари, ЮҲҚни математик моделлашнинг босқичлари, математик моделларнинг тузилиши, математик моделларниң асосий тенглиамалари, ЭҲМ ёрдамида ЮҲҚнинг иш ҳолатларини оптималлаш (энг мақбулини аниқлаш), ЮҲҚни лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари кўриб чиқилган.

Ушбу фан “Юқори ҳароратлы технологик жараёнлар ва курилмалар”, “Саноатдаги иссиқлик ва масса алмашуви жараёнлари ва курилмалари”, “Иссиқлик жиҳозлари ва жараёнларини математик моделлаш” фанлари билан узвий боғлиқдир.

Бу тўшлам магистрларни тайёрловчи энергетик олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:**

**т.ф.д., проф. Умаров F.F.**

**т.ф.д., проф. Эгамбердиев X.З.**

## **ФАННИНГ ТАЯНЧ СҮЗЛАРИ**

Высокотемпературная установка - юдори ҳароратли қурилма.

Глиссажные трубы печи - печнинг сирпаниши (глиссаж) қувурлари.

Горелки реактора - реактор ёкчилари.

Граничные условия - чегаравий шартлар.

Критерий минимизации - минимумлаштириш мезони.

Математическая модель процесса - жараённинг математик модели.

Методическая нагревательная печь - методик(режали) қиздириш печи.

Модель второй степени сложности-иккинчи даражадаги мураккабликдаги модел.

Моделирование - модельлаш.

Оптимальный вариант - оптимал (мақбул) вариант.

Оптимизация - оптималлаш (мақбул ҳолга келтириш)

Параметры ввода - кириш параметрлари (ҳолат катталиклари).

Пламенная плавильная печь - алангали эртииш печи.

Плотность лучистого потока - нурланиши оқимининг зичлиги.

Поле температур - ҳароратлар майдони.

Программа - дастур.

Продукты сгорания топлива - ёқилғининг ёниш маҳсулотлари.

Продолжительность этапа - босқич давомийлиги.

Режимы работы печи - печнинг иш ҳолатлари.

Система автоматизированного проектирования(САПР)- автоматлаштирилган лойидалаш тизими (АЛОТ).

Системы обеспечения программы - дастурни таъминлаш тизимлари.

Технические средства обеспечения - таъминлашнинг техник воситалари.

Типовая программа - намунавий дастур.

Теплообмен - иссиқлик алмашуви.

Теплонпроводность металла - металдинг иссиқлик ўтказувчанлиги.

Физическое тепло дымовых газов - тутун газларининг физик иссиқлиги.

Электронно-вычислительная машина (ЭВМ) - электрон ҳисоблаш машинаси (ЭХМ).

## К И Р И ІІІ

Турли технологик жараёнларнинг асосида материал ва буюмларга иссиқлик билан ишлов бериш ётади: материални қиздириш ва эритиш, гипт ва чиннини пишириш, бояловчи материаллар (цемент, оҳак) ва шиншани олиш ва доказо.

Материал ва буюмларга иссиқлик ёрдамида ишлов бериш технологик ёки энерготехнологик агрегатлар - саноат печларида амалга оширилади; уларда материал ва буюмларга юкори ҳароратли шаронгта кейинги ишловлар бериш ёки тайёр маҳсулот сифатидаги чиқариши учун зарур бўлган хоссалар берилади.

Масалан: қиздириш печларида ишлов берилгандан кейин зерн маҳсулотлар чигириб ёйин ва болғалаш учун зарур бўлган чўзувчаник ва оқувчаникга эга бўлади.

Чўян куйини вагранкаларида чўян қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтади за бу ҳолатда у кўйма қолни бўшиклиарини яхши тўлдиради.

Баъзи термик печларда пўлат буюмлар қиздириллади, ундан кейин эса, оддиндан белгиланган тартибда совитилади, бунинг натижасида маълум механик хоссаларга эга бўлишга эришиллади (юмшатиш, бўшатиш, нормаллаш, тоблаш).

Пўлат буюмларга кимёвий-термик ишлов бериладиган печларда металил юзасини карбон ёки азот билан тўйиниши (тегишича: цементитларни ва азотлаш)ни осонлантириш учун улар қиздирилади ва доказо.

Печларда катор мураккаб жараёнлар содир бўлади - газга айланни ва ёқалигининг ёниши, ишчи бўшиклида тутун газларининг ҳаракатланиши, ишлов берилгаётган материалга аланса ва тутун газларидан иссиқликнинг узатилиши, иссиқликнинг буюм юзасидан ичкари қатламларига ўтиши ва доказо. Бу жараёнларнинг барчаси ўзаро боғланган. Улар ичидаги энг муҳимлари иссиқлик узатиш жараёнлари ҳисобланади.

Алангали печларда иссиқлик манбаи бўлиб ёқилти: газ, мазут, кўумир, кокс ва бошқалар хизмат қиласди.

Ёқилти ёқилганда унинг кимёвий энергияси иссиқликга айланади ва у асосан ёниши маҳсулотларига ўтади.

Электр печларида иссиқлик электр энергиясини ўзгартирини ҳисобига олина-ди.

Юкори ҳароратли қурилмалардаги мураккаб жараёнларни кирайтирилган моделларда ўрганиш кулий бўлади. Бундан ташкари мураккаб қурилмаларни лойиҳалаш жараёнини моделлаш мумкин. Автоматлаптирилган лойиҳалаш тизимлари (АЛОТ) ҳисоблаш, лойиҳалаш ишларини тез ва осон бажариш имконини яратади.

**Биринчи боб**  
**Юқори ҳароратли қурилмалардаги иссиқлик алмашувин**  
**жараёнларининг аналитик тенгламалари**

**1.1. ЮХҚ ларда иссиқлик алмашувини ташкил қилини.**

Саноат печларидаги бир вақтнинг ўзида қатор мураккаб жараёнлар кечади: ёки ининг ёниши ва газлаштирилиши ишчи бўшлиқда ёниш маҳсулотларининг ҳаракатланыши, иссиқлик ва масса алмашувин жараёнлари, ишлов берилгаётган материалларнинг экзотермик ёки эндотермик кимёвий ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган жараёнлар ва доказо. Бу жараёнлар ўзаро болтандаг бўлиб, уларнинг барчаси биргаликда йигинди жараёнини ташкил қиласди. Буларнинг ичидаги иссиқлик узатиш жараёни энг муҳими ҳисобланади.

Печларда турли металл ва нометалл материаллар: кулолчилик буюмлари, боғловчи материалларнинг хом-ашёси, кимёвий хом-ашё ва бошқалар қиздирилади. Эртидан жараёнларидаги барча жисмлар оддин қиздирилади. Турли печларда металл буюмларнинг юзлари орқали қиздириш амалга оширилади. Бу пайтда печнинг ишчи бўшлиғига жойлаштирилган буюмлар ҳаракатсиз ҳолатда бўлиши ёки секин даракатланиши мумкин.

Иссиқлик алмашувини одатда қиздириш усулига боғлиқ бўлалди. Қиздиришининг ҳуйидаги усууллари мавжуд:

1) технологик жараёнинг тури бўйича:

а) материалнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари ўзгармайдиган ёки уларнинг ўзгариши кузатиладиган қиздириш;  
б) шахта (руда, тошкол, ёкилги ва бошқалар аралашмаси) материалларини қиздириш;

2) иссиқлик ташувчидан фойдаланиш усули бўйича:


а) ёниш маҳсулотлари билан очик (тўғридан-тўғри) қиздириш;  
б) ёниш маҳсулотларини ёки буюмларни ажратиб кўйилган (изоляцияланган) ҳолда билвосита қиздириш;  
в) оралиқ бўғиндаги иссиқлик ташувчининг мавхум қайнаш қатламида қиздириш.

3) қиздирилаётган материалнинг аэродинамик ҳолати бўйича:

а) материалнинг ҳаракатсиз (зинч) қатламида қиздириш;  
б) материалнинг "мавхум қайнаш" қатламида қиздириш;  
в) муалляк ҳолатдаги материал қатламида (уюрмали, гирдобли) қиздириш.

Печларда қиздириш очик усулда ва айрим ҳолларда билвосита (бирор вносита ёрдамида) амалга оширилади. Очик қиздириши (1.1- расм) энг оддий усул ҳисобланади, унда тутун газлари қиздириладиган материал билан бевосита тўқнашади. Бу усул эритиши, қиздириш ва тоблаш печларидаги кўлланилади.

Тўғридан-тўғри қиздириш амалга ошириладиган печлар ўз навтида куйидаги турларга бўлинади: ишчи бўшлиғига катта эркин ҳажмга эга бўлган печлар, бўлакли материалларга ишлов бериш учун мўлжалланган шахтали (кудуксимон) печлар, қайновчи қатламли печлар, циклонли (гирдобли) печлар ва бопкалар. 1.1-расмда ишчи бўшлиғига катта эркин ҳажмга эга бўлган печнинг схемаси тасвириланган. Қиздириладиган материал печ тубида жойлашади



1.1- расм. Печларда очик қиздириш схемалари.  
а- камерали печ; б- металл буюмларни қиздиришга мүлжалданған методик печ;  
в- айлануучы барабанлы печ; г- шахтали печ.

уннинг устида эса катта әркін ҳажм бўлиб, унда ёқилғи ёқилади.. Эркін ҳажмнинг мавжудлиги ёниши алангасини қиздирилаётган материалга яқинлаштириш имконини беради, бу эса жуда мухимдир, чунки бу пайтда иссиқлик узатилишини жиғдий жадаллашади. Натижада печнинг юкори унумдорлиги таъминланади, иссиқликнинг солиштирма сарфи камаяди. Бундай печларнинг ишчи бўшлигининг ҳар бир нұктасида тахминан бир хил ҳарорат кузатилади. Методик (режали қиздириладиган) печларда (1.1,б-расм) эса ҳарорат ўзгарувчак бўлади. Пўлат буюмларни очик қиздириш пайтида метали юзаси оксидланади ва у углеродсизланади. Буннинг олдини олиш учун ёқилғи ҳаво сарфи коэффициентининг кичик қийматларида, яъни  $\alpha = 0,4-0,5$  да ёқилади.

Талаб қилинган ҳароратлар даражасига эришиш учун ёқишга берилаётган ҳавони  $800^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади ёки кислород қўлланилиади.. Кейинчалик чала ёниши маҳсулотлари тўёла ёндирилади ва ҳавони қиздириш ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

Айлануучы барабанлы печларда (1.1,в-расм) эркін ҳажм печнинг ўки бўйлаб жойлашади; бу печларда турли сочилиувчан ёки бўлакли материаллар тобланади. Печнинг ички қопламаси барабан билан бирга айланаб, навбатмавбат тоғ қизиган газлар билан, тоғ қиздириладиган материал билтан тўқнашади, бу эса иссиқлик узатилишини жадаллаштиради.


Шахтали (кудуксимон) печларда (1.1,г-расм) ишчи бўшлиқ бўлакли материал қатлами билан тўлдирилади ва тутун газлари бўлакчалар досил қилинган каналлар орқали оқиб ўтади; бу каналларнинг кўндаланг кесими печ баландигити бўйича бир хил эмас, шунинг учун газларнинг тезлиги доим ўзгариб туради. Тезликнинг ўзгариши оқимнинг гирдобли ҳаракатланишига ва конвектив иссиқлик узатилишининг ортишига сабаб бўлади, аммо бу ўз навбатида материал қатламининг қаршилигини оширади.

Турлар халдаги сочишувчан материаллар печларда қатламли усулда ёки мавхум қайнаш қатламида ёки, ниҳоят, муаллақ учиш ҳолатида қиздирилиши мүмкін.

Майды заррачали материалларнинг “мавхум қайнаш” қатламидағи иссиқлик алмашуви жараёнлари жуда жадал кечади. Бунинг асосий сабаби-печнинг бутун ҳажми бүйича материалларнинг яхши арапашыши ва шу материалларнинг ҳар бир зарраси атрофидан қиздириувчи газларнинг осон ва жадал оқиб үтишидір. Шунинг учун қайнавочи қатламли печлар металтургия ва кимә саноатыда майды заррачали руда ва концентратларни ҳамда олтингүргүттөр көлчеданини тоблаш (пиншириш) учун, нефтни қайта иштеш саноатыда эса нефт маңсулотларини катализ крекинглаш учун кенг күлланилади.

Шу билан бирға қиздиришнинг циклонлы (гирдоблы) усули ҳам кенг күлланилмоқда. Бу усулда гирдоблы ҳаракат амалға оширилгандын учун иссиқлик алмашуви жараёнлари кескін жадаллашады ва натижада циклонлы печ (1.1-расм) унұмдорлығыннан жоғоры бўлиши таъминланади. Бу усул ишлаб чиқарышнинг турли соҳаларида күлланилиши учун кенг истиқболларга эга.

Материални билвосита қиздириши пайтида у тутун газларидан ахратилган (яккаланған) ҳолда бўлади ва унга иссиқлик (ажратувчи) девор орқали узатилади. Масалан, кокс батареяларида иссиқлик тутун газларидан кўмир шахтасига реторталарнинг ён деворлари орқали узатилади. Бу билан ҳавосиз мухитда кўмирни қуруқ ҳайдаш жараёсни амалга оширилади. Билвосита қиздириши печларига муфел печлари ва радиацион қувурли печлар (1.2-расм) мисол бўла олади.



1.2- расм. Печтарда билвосита қиздириши схемалари.

а- муфел печи; б- радиацион қувурли печ.

Пўлат қисметарга иссиқлик билан ишлов беринш (пиншириш, тоблаш, цементация)га мўлжалланған муфел печларидан ишлов бериладиган буюмлар тутун газларидан муфел ёрдамида ахратилган бўлади. Пўлат қисметар билан тутун газларининг бевосита тўқнашиши мумкин эмас, чунки бу ҳол пўлатнинг оксидланishiшига ёки углеродизланishiшига олиб келади. Буюмлар муфел орқали ўтади (1.2,а-расм), муфелнинг ичи эса химояловчи газ билан тўлдирилган бўлади. Иссиқлик муфел девори орқали узатилади. Радиацион қувурли печларда (1.2,б-расм) қизиган тутун газлари радиацион (нур таржатувчи) қувурлар орқали ўтади. Иссиқлик қувур деворлари орқали узатилади, печнинг ишчи бўшлиги эса химояловчи газ билан тўлдирилади. Умуман олганда билвосита қиздириши тўғри қиздиришига нисбатан анча мураккаб ва қимматdir.

## 1.2. Ички ва ташки иссиқлик алмашуви.

Иссиқлик алмашувининг мураккаб жараёни одатда икки қисмга бўлинади: ички ва ташки иссиқлик алмашуви. Ташки иссиқлик алмашуви печнинг ишчи бўшигидан иситиладиган материал ва буюмларинг ташки юзасига иссиқлик узатилишидан иборат. Ички иссиқлик алмашуви эса қиздирлаётган материалнинг ички қатламлари билан юзаси орасидаги ҳароратлар фарқи хисобига иссиқлик ўтказувчаник йўли билан юзага келадиган иссиқлик алмашувидан иборат. Материал массасининг қизини шу материалнинг хоссаларига, шакли ва ўлчамларига боғлиқ. Ички иссиқлик алмашувини бошқариш ташқиникига нисбатан қийинроҳдир.

Технологик жараёниларга боғлиқ ҳолда ё ички, ё ташки иссиқлик алмашуви устивор бўлади. Масалан, пўлат ва чўян эритиладиган печларнинг унумдорлиги асосан ташки иссиқлик алмашуви билан белгиланади ва қиздирлиларнида эса, унумдорлик ички иссиқлик алмашуви билан белгиланади.

Печнинг ишчи бўшигига тутун газлари турли тезлик билан ҳаракатланади ва иссиқлик нурини таратади. Нурланиш манбай бўлиб тутун газлари таркибидаги уч атомли газлар –  $\text{CO}_2$ ,  $\text{SO}_2$ , сув буулари  $\text{H}_2\text{O}$  ва шунингдек, углерод, кул ва чанг заррачалари хизмат қилади. Қаттиқ жисмлар фактаташки юзаларидан энергия таратса, газлар-бутун ҳажмларидан таратади. Тутун газлари таркибидаги чала ёнган углеродли заррачалар аланганинг коралик даражасини ва нур тарқатиш имкониятини оширади. Шунинг учун юкори ҳароратли печларда табиий газ ёкилганда унга қўшимча қалиб пуркалган мазут ёки смола (катрон) берилади. Бунинг натижасида аланганинг коралик даражаси ва демак, иссиқлик нурини тарқатишни ортади.

Умуман олганда, аланганинг коралик даражаси куйидаги омишларга юни: а) ёкилгининг хоссаларига; б) ёкилгини ёқишига тайёрланиш даражасига (майдалаш, шуркаш, қиздирлиш ва ҳоказо); в) ёкили билан ҳавони аралаптириш усулига; г) ўтхонанинг тузилишига ва бошқа шартларга боғлиқ.

## 1.3. Юқори ҳароратли қурилмаларда иссиқлик алмашувининг ҳолатлари.

Печлардаги ташки иссиқлик алмашувининг ҳолатлари радиацион (нурланиши), конвектив ва қатламли турларга бўлинади (М. А. Глинков бўйича). Агар радиацион қиздирлиш ҳакида сўз борса, бу фақат нурланиши иссиқлик алмашуви устивор эканини англатади, аммо шу пайтнинг ўзида у билан бирга конвектив қиздирлиш ҳам амалга ошириллади; конвектив қиздирлиш ҳакида ҳам худди шуни айтиш мумкин.


Ўз наебатида радиацион қиздирлиш уч турга бўлинади:

1) бир текисда таҳсилланган иссиқлик алмашуви (1.2, а-расм). Бунда печ деворига ва қиздирлаётган материалнинг юзасига алангдан тушаётган иссиқлик оқимлари  $Q_{ГД}$  ва  $Q_{ГМ}$  ўзаро тенг бўлади, ҳароратлар майдони ва аланганинг нурланиш хоссалари ўтхонанинг бутун ҳажми бўйича бир текисда бўлади.

2) Йұналтирилған түгри иссиқлик алмашуви (1.2.б-расм). Бунда  $Q_{ГМ} > Q_{ГК}$  шарт бажарылади.

3) Йұналтирилған билвосита иссиқлик алмашуви (1.2.в-расм). Бунда  $Q_{ГМ} < Q_{ГК}$  шарт бажарылади.

Амалда нурланиш конвекциясыз бўлмайди, шунинг учун радиацион-конвективияниң ҳақида сўз юритилса ҳақиқатга яқинроқ ва түгрироқ бўлади. Газни икки хил усулда ёкилган пайтда ҳосил бўлган ёниш маҳсулотларининг ҳарорати ва тезлигининг ўзгариши 1.3-расмда кўрсатилган: 1- бугун ҳажмда ва 2- девор яқинидаги қатламда (бу усул йұналтирилған билвосита иссиқлик алмашинувини амалга ошириш учун аҳамиятлидир).



1.3- расм. Киздириш печларидағи радиацион-конвектив иссиқлик алмашинувининг түрли ҳолатлари.

а - бир текисда тақсимланған; б - түгри йұналтирилған; в - билвосита йұналтирилған; δ - девор яқинидаги газлар қатламинынг қалинлиғи;  
 $Q_{ГД}$  - газлардан деворга йұналған нурланиш оқими;

$\omega_g$  - газлар тезлигі;  $\alpha_{КОНВД}$  ва  $\alpha_{КОНВМ}$  - газлардан девор юзасига ва металлга иссиқлик берилши коэффициентлари.

— — газ ҳароратларининг ўзгариши; — — газлар тезлигининг ўзгариши. 1-бутун ҳажмда ёниш пайтида; 2-девор яқинидаги қатламда ёниш пайтида.

Турли хил иссиқлик алмашувларининг роли турлича бўлиши мумкин. Масалан, агар конвекция йўли билан материалга факат 10% иссиқлик берилган бўлса, шу пайтнинг ўзида буюмларга иссиқлик берилишидаги конвекциининг умумий роли 65 % ни ташкил қилиши мумкин, чунки девор қопламасига конвектив усулда берилган иссиқлик девордан буюмларга нурланиш йўли билан берилган иссиқликга айланади. Турли печларда қиздиришнинг турли ҳолатлари амалга оширилади. Масалан, эртиши печларида тўғри йўналтирилган радиацион иссиқлик алмашувидан фойдаланиш кулагай бўлади, чунки бу усулда нурланувчи аланга шихтага йўналтирилган бўлади. Қиздириш печларининг юқори ҳароратли бўлишида эса, йўналтирилган билосита иссиқлик алмашувини кўллаш афзалроқ бўлади, чунки бу ҳолда печнинг юқорисида жойлашган ёкиш мосламалари печ гумбазини кучли даражада қиздириди ва у ўз навбатида буюмларни жадал нурлантиради. Бу ҳолат бошқа иш ҳолатларига нисбатан печларнинг унумдорлиги ва ёқилигининг солиштирма сарфи бўйича энг юқори иш кўрсаткичларини таъминлайди.

#### **1.4. ЮЖҚ ларининг ишчи бўшлигига бир текисда тақсимланган ташқи иссиқлик алмашуви.**

Агар печ камерасида кўп миқдорда бир текисда тақсимланган алангалар ёки бошқа нурланиш маъбалари мавжуд бўлса, у ҳолда алангдан ва девор қопламасидан қиздирилаётган материалга берилган умумий иссиқлик миқдорини Стефан-Больцман қонуни асосида аниқлаш мумкин:

$$Q_{\text{ГКМ}}^H = C_0 \epsilon_K H_H \xi \left[ \left( \frac{T_g}{100} \right)^4 + \left( \frac{T_m}{100} \right)^4 \right]_{yp} = C_K H_H \xi \Delta; \quad (1-1).$$

бунда  $C_0$ - мутлақ қора жисмнинг нурланиш коэффициенти,  $C_0 = 5,67 \text{ Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{K}^4$   
 $\epsilon_K$ - печ бўшлигининг келтирилган қоралик даражаси;  
 $T_g$ ,  $T_m$  - газ ва материалнинг мутлақ ҳароратлари;  
 $\xi$ - нурлантирилаётган юзанинг ифлюсланганик коэффициенти ( $\xi = 0,6 \div 0,75$ );  
 $\Delta$  - мутлақ ҳароратлар тўртинчи даражалари фарқининг ўртача қиймати;

$H_H$  - жисмнинг нурланиш тушадиган юзаси.


Атроф - муҳитга йўқотилаётган иссиқлик конвекция ҳисобига печ деворининг қопламаси томонидан қабул қилинаётган иссиқликка тенг бўлишини эътироф этган ҳолда В.Н. Тимофеев келтирилган қоралик даражасини топиш учун қуйидаги тенгламани таклиф этади:

$$\epsilon_K = \frac{\epsilon_M \epsilon_g \psi (1 - \epsilon_g) + 1}{\psi (1 - \epsilon_g) [\epsilon_M + \epsilon_g (1 - \epsilon_M)] + \epsilon_g} \quad (1-2)$$

бунда:  $\epsilon_M$  ва  $\epsilon_\Gamma$  газларнинг ва қиздирлаётган материалнинг коралик даражалари;  $\psi = H_H/F_K$  - жисмнинг нурланишини қабул қилувчи юзасини  $H_H$  печ девори қопламасининг умумий юзасига  $F_K$  нисбатини ифодаловчи коэффициент; унга тескари бўлган қийматни қопламанинг ривожланниш даражаси  $\omega$  дейилади.

Доним  $H_H < F_M$  бўлади ва  $H_H = \varphi F_M$ ; бунда  $\varphi$  - ўртача бурчак коэффициенти ёки нурланганлик коэффициенти. Унинг қиймати қиздирлаётган буюмининг геометрик шаклига ва шунингдек, буюмининг печда жойлашиш усулига боғлиқ бўлади.

Цилиндрик ва тўғри тўртбурчакли танавор (заготовка) лар учун  $\varphi$  нинг қийматлари 1.4- расмда келтирилган.



1.4-расм. Бурчак коэффициентлари  $\varphi$  нинг диаграммаси.

Ҳисоблашни осонлантириш учун Д. В. Будрин (1-1) тенгламанинг маҳражи ва суратини  $\epsilon_\Gamma \cdot \psi$  га бўлди, у ҳолда :

$$C_0 \epsilon_{KL} = C_0 (\epsilon_M \cdot \epsilon_{KL}); \quad (1-3)$$


бунда

$$\epsilon_{KL} = \frac{1/\psi + 1 - \epsilon_\Gamma}{[\epsilon_M + \epsilon_\Gamma (1 - \epsilon_M)] \frac{1 - \epsilon_\Gamma}{\epsilon_\Gamma} + \frac{1}{\psi}} = \frac{\omega + 1 - \epsilon_\Gamma}{\beta \frac{1 - \epsilon_\Gamma}{\epsilon_\Gamma} + \omega}; \quad (1-4)$$

бу ердаги  $\epsilon_{KL}$  ни печ бўшлигининг келтирилган коралик даражаси деб ҳисоблаш мумкин.

$$\text{Бунда } \beta = \epsilon_M + \epsilon_\Gamma (1 - \epsilon_M); \omega = 1/\psi; \quad (1-5)$$

Д.В. Будрин бўйича оксидланган металлар учун  $\beta = 0,85 - 0,95$ .  
 Келтирилган қоралик даражаси  $\epsilon_{\text{кл}}$  ни аниқлаш графиги 1.5- расимда келтирилган.



1.5- расм. Печ ишчи бўшлигининг келтирилган қоралик даражасини аниқлаш графиги.

Киздириши давомида газлар билан материалнинг ҳароратлари ўзгаради, шунинг учун ҳисоблаш пайтида уларнинг ўртача қийматлари олинади :

$$\Delta_1 = \left[ \left( \frac{T_r}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_m}{100} \right)^4 \right] = \sqrt{\left[ \left( \frac{T_b}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_m}{100} \right)^4 \right] \left[ \left( \frac{T_{q,r}}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_m}{100} \right)^4 \right]} \quad (1-6)$$

Бунда:  $T_b$  - ёқилигининг ёниши ҳарорати,  $^{\circ}\text{K}$ ;

$T_m$  ва  $T_b$  - материалнинг бошлангич ва охирги ҳароратлари,  $^{\circ}\text{K}$ ;  
 $T_{q,r}$  - печдан чиқиб кетувчи газларнинг ҳарорати,  $^{\circ}\text{K}$ .

Агар барча ҳароратларни ёниш ҳароратларига нисбатан улушларда ифодаласек, у ҳолда қуйидаги ўтчамсиз ҳароратларга эга бўламиш:

$\theta_r = T_r/T_b$ ;  $\theta_b = 1$ ;  $\theta_m = T_m/T_b$ ;  $\theta_{q,r} = T_{q,r}/T_b$  ва  $\theta_{o.m.} = T_m/T_b \approx 0$ ;  
 демак :

$$\Delta_{1yp} = (\theta_r^4 - \theta_m^4)_{yp} = \sqrt{(1 - \theta_m^4)} \theta_{q,r}^4 = \theta_{q,r}^2 \sqrt{1 - \theta_m^4} \quad ; \quad (1-7)$$

Агар факат газларнинг ҳарорати ўзгарса, ўртача қиймат қуйидаги тенглик асосида аниқланади:

$$\left( \frac{T_r}{100} \right)^4 = n \left( \frac{T_b}{100} \right)^2 \left( \frac{T_{q,r}}{100} \right)^2, \quad ^{\circ}\text{K}; \quad (1-8)$$

бунда:  $n$  - аланганинг бутун ҳажми бўйича ажralиб чиқадиган иссиқликни ҳисобга олуви қоэффициент,  $n \approx 0,774$ .

$$\Delta_{2yp} = 0,774 \theta_{q,r}^2 \theta_m^4$$

У ҳолда умумийлаштирилган (1-1) тенглама қойыдаги күриншігә зға бұлады:

$$Q_{\text{ГКМ}} = C_0 \varepsilon_K H_H \xi \left( \frac{T_B}{100} \right)^4 \Delta y_F \quad (1-9)$$

Юкорида көлтирилған тенгламаларда факат нурланишты иссиклик бериліши ҳисобға олинған әди. Конвектив иссиклик бериліши қойыдаги тенгламадаң анықланады:

$$Q_{\text{ГМ}} = \alpha_K F_M ( T_B - t_M ) \quad (1-10)$$


бунда :  $\alpha_K$  - газлардан буюмларнинг ташқы юзасына конвекция йұлы билан иссиклик бериліши коэффициенті. Шундай қилиб, материалга берилған умумий иссиклик мөндөри :

$$Q_{\text{ГКМ}} = C_0 \varepsilon_K \xi \beta_{\text{конв}} H_H \left( \frac{T_B}{100} \right)^4 \Delta y_F \quad (1-11)$$

Бу ердаги  $\beta_{\text{конв}}$  күпайтируға шартынан да, конвектив иссиклик алмашуваларыннан ишебтейтінде жағдайда бериліши қарастырылады.

### 1.5. Йұналтирилған ва білсесіта амалға ошириладысан нурланишты (радиацион) иссиклик алмашузы.

Білсесіта амалға ошириладыган ва йұналтирилған иссиклик алмашувы қызыларынан пічларда ташқы радиацион-конвектив иссиклик алмашуваны жағдайлап шығарылады. Шундай жағдайда конвектив иссиклик бериліши қарастырылады.



1.6-расм. Білсесіта йұналтирилған радиацион қызыларынан пічиннинг схемаси.

Пічиннің шишида ююри самараған яси алғанға радиацион қызыларынан жағдайлап шығады. Аланға ва ёниш маңсулотлары шип юзасы бүйірде күтте тезлік белгілі қарастырылады. Бұннан натижасыда қызылар газлардан шип қоптамасына жадал конвектив иссиклик бериліши учун күлай шароит яратылады. Шу пайтда алғанғаннан қызылар юза билан білсесіта тұқнанышты натижасыда қызылар тез ва тұла ёниші таъминланады. Шип қоптамасы томонидан қабул қылғанған иссиклик амалда факат нурланиш йұлы билан материал юзасына берилады. Шуннан учун бу холатда алғанған материалга түғридан-түғри конвектив иссиклик берилішини нолға тенг деб қарастырылады.

мумкин. Демак, қиздирлаётган материалга берилсаётган иссиқлик мөндори күйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$Q_M = \epsilon_M H_R \left\{ \left[ C_{KMP} \left( \frac{T_K}{100} \right)^4 + C_0 \left( \frac{T_M}{100} \right)^4 \right] - \epsilon_r \left[ C_{KMP} \left( \frac{T_K}{100} \right)^4 + C_0 \left( \frac{T_r}{100} \right)^4 \right] + \right. \\ \left. + \epsilon' \left( 1 - \epsilon_r \right) \left[ C_0 \left( \frac{T_r}{100} \right)^4 + C_{KMP} \left( \frac{T_K}{100} \right)^4 \right] \right\}; \quad (1-12)$$

бунда:  $C_{KMP}$ - көлтирилган нурланиш коэффициенті, у күйидеги тенгламадан анықланади:

$$C_{KMP} = \frac{C_0 \cdot \frac{\alpha_K (T_r - T_K) (1 - \epsilon_K)}{\epsilon_K \left( \frac{T_K}{100} \right)^4}}{1 - \frac{1 - \epsilon_K}{1 - \epsilon_r} \left( 1 - \Phi_{KM} \right) \left( 1 - \epsilon_r \right)}$$

$\Phi_{KM}$ - кошамадан қиздирлаётган юзага йўналгай нурланишининг бурчак коэффициенті;  $\epsilon_M$ - материалнинг қоралик даражаси;  $T_r$  ва  $T_K$ - газларнинг ёниш зонасидаги ва иссиқлик алмашуви зонасидаги (материал юзаси яқинидаги) ҳароратлари;

$\epsilon'$  ва  $\epsilon''$ - газларнинг тегишли қоралик даражалари;

$T_K$  ва  $T_M$ - шиннинг кошамаси ва материалнинг ҳароратлари;

$\alpha_K$ - алғангадан қопшамага конвектив иссиқлик берилиши коэффициенті.

## 1.6. Зич (фильтровчи), юқоридан тушувчи ва маҳум қайнаётган материал катламидаги ташқи иссиқлик алмашуви.

Бўлакларни катламда қиздирши пайтидаги ташқи иссиқлик алмашуви Био мезонининг 0,6 дан кичик қийматларида, яъни  $B_i < 0,6 + 1,0$  да содир бўлиши мумкин. Эслатиш мумкинки, Био мезони  $B_i = \alpha_x d_s / 2 \lambda_m$ , бунда:  $d_s$  - бўлакларнинг эквивалент диаметри;  $\lambda_m$  - материалнинг иссиқлик ўтказувчалик коэффициенти;  $\alpha_x$  - конвектив иссиқлик алмашуви коэффициенти.

Харакатсиз (зич, фильтровчи) катлам орқали қизиган газлар ўтгаизда иссиқлик алмашуви асосан, конвекция йўли билан амалга ошиди. Кўйидаги тенгламалар ёрдамида  $\alpha_x$  ни аниклап мумкин (В.Н. Тимофеев бўйича):

$$Nu_x = 0,106 Re_x \quad (Re_x < 200 \text{бўлса}). \quad (1-13)$$

$$Nu_K = 0,61 \cdot Re_K \quad (Re_K > 200 \text{ бұлса}). \quad (1.14)$$

Бұра:  $Nu_K = \alpha_{\tau} \cdot d_s / \lambda_{\tau}$  - Нуссельт мезони (критерийси);  $Re_K = \omega d_s / v_r$  - Рейнольдс мезони;  $\omega$  - газлар тезлигі;  $\lambda_{\tau}$ ,  $v_r$  - газнинг иссиқлик ўтказувчанылар кинематик қовушоқлик коэффициентлари.

Бұлактарнинг юзаси  $F_m$  қуйидаги теңламадан анықланады:

$$\frac{F_m}{V_m} = \frac{6(1-f)}{d} \cdot M^2 / m^3 \quad (1.15)$$

бұнда:  $V_m$  - қатлам қажми;  $f$  - қатлам ичидағи бүшілікнинг улусы.

Харакатланётган зич қатлам билан үнга қарши йўналган газ оқими ўртасайдаги иссиқлик алмашуви қуйидаги теңламалар билан ифодаланады:

$$Nu_K = 0,014 \cdot Re_K \cdot P_r^{0,33} \quad (Re_K < 200 \text{ бұлса}) \quad (1.16)$$

$Nu_K = 0,056 \cdot Re_K^{0,97} \cdot P_r^{0,33} \quad (Re_K = 200 + 700 \text{ ва } P_r = 0,68 + 1,1 \text{ бұлса}) \quad (1.17)$   
(1.13) ва (1.16) теңламаларни ўзаро тақослад, В.Н. Тимофеев формулаларига киритилатын тузатишкоэффициентларини анықлаш мүмкін:

$$\psi = 0,132 \cdot P_r^{0,33} \quad (Re_K < 200 \text{ бұлса})$$

$$\psi = 0,092 \cdot Re_K^{0,2} \cdot P_r^{0,33} \quad (Re_K > 200 \text{ бұлса}) \quad (1.18)$$

Кузатилаётган фарқ ҳаракатдаги қатламда газнинг ёмонроқ тәсисимланиши билан изолланади, демек ҳаракатланётган қатламда иссиқлик берилғанда сурстроқ кечади. Қатламға газлар күндаланған йўналишда берилса,  $Re=140 - 1000$ ,  $W_K/W = 0 + 1$  ( $W_K$  ва  $W$  - каттық материал ва газларнинг сувли эквивалентлари),  $t' = 280 - 380^\circ\text{C}$  ва  $t'' = 210 - 600^\circ\text{C}$  шароитидаги иссиқлик алмашуви қуйидаги теңлама асосида ҳисобланип мүмкін:

$$Nu_K = 0,055 \cdot Re_K; \quad (1.19)$$

**Каттық заррачали газ оқимидағи ташқи иссиқлик алмашуви  
(пастта тушувчи қатламда)**

Каттық заррачали газ оқимидағи иссиқлик алмашуви газлардан заррачаларға конвектив ва радиацион иссиқлик берилғанда йўлни билан ва заррачалар ичіда эса - иссиқлик ўтказувчанылығы йўлни билан амалға ошади. Бу пайтда оқимнинг тезлигі, заррачаларнинг концентрацияси ва ўлчамлары катта ахамиятта ега бұлади.

Ҳисоблаш теңламалари қуйидаги күринища:

$$Nu_K = 0,194 \cdot Re_K^{0,79} \quad (30 < Re_K < 480) \quad (1.20)$$

$$Nu_K = 0,316 \cdot Re_K^{0,8} \quad (Re_K = 40 - 50) \quad (1.21)$$

$$\text{бунда: } \text{Nu}_K = \alpha d_K / \lambda ; \quad \text{ва} \quad \text{Re}_K = \omega_H d_K / v \quad (1.22)$$

Бу ерда оқимнинг нисбий тезлиги олинади:

а) қарши оқимда  $\omega_K = \omega + \omega_K$ ;  $\omega_K = \omega_K - \omega$

б) күтарилиувчи оқимда  $\omega_K = \omega - \omega_K$ ;  $\omega_K = \omega - \omega_K$

в) пастга тушувчи оқимда  $\omega - \omega_K = -\omega_K$ ;  $\omega_K = \omega + \omega_K$

бунда;  $\omega$ - оқимнинг мутлақ тезлиги;  $\omega_K$ -оқимнинг заррачанинг күтариш (муаллақ тутиш) тезлиги;  $\omega_K$  - қаттиқ заррачанинг тезлиги. Заррача нинг босиб ўтган йўли:  $L = (\omega_K - \omega) (t_K - t_0) = \omega_K t$ ;  $(1.23)$

**Мавхум қайнаш қатламидаги ташқи иссиқлик алмашуви.**

Мавхум қайнайтган қатламда иссиқлик алмашуви ҳаракатсиз қатламдагига нисбатан жадалроқ кечади. Бунда иссиқлик алмашувининг жадалланшини қаттиқ заррачаларнинг мураккаб тебризма - айланма ҳаракати билан ва газ оқимининг ююри даражада уюрмаланиши билан белгиланади. Мавхум қайнаш қатламидаги газ оқими билан қаттиқ заррачалар ўргасидаги иссиқлик алмашуви тенгламаси куйидаги кўринишга эга:

$$\text{Nu} = 0,316 \text{ Re}_K^{0.8} \quad (\text{Re}_K = 40-50 \text{ бўлса})$$

бунда:  $\text{Re}_K = \omega d_0 / v$ ;  $\omega$ - қатлам жойлашган панжара юзасига нисбатан олинган тезлик;  $d_0$  - қаттиқ заррачанинг эквивалент диаметри.

**Ҳароратлар фарқи :**

$$\Delta t = \frac{1}{H} \int_{0}^H [t_K(h) - t_{mr}(h)] dh = t_{mk} - t_{mr};$$

Иссиқлик алмашувининг максимал жадаллигига Рейнольдс мезонининг куйидаги энг мақбул (оптималь) ҳийматида эришилади:

$$R_{opt} = 0,121 Ar^{0.5} \quad (1.24)$$

$$\sigma d_0^3 \rho_K \cdot \rho$$

бунда  $Ar = \frac{\sigma d_0^3 \rho_K \cdot \rho}{v^2}$  - Архимед мезони;  $\rho_K$  - заррачанинг зиччиги.

Агар  $Ar = 30 \div 210^5$  бўлса, иссиқлик берилшининг максимал коэффициентларини куйидаги тенглама асосида хисоблап мумкин:

$$\text{Nu}_{max} = 0,86 Ar^{0.2}; \quad (1.25)$$

## Ички иссиқлик алмашуви.

Киздирилаётган буюмнинг ташки юзаси томонидан қабул қилинган иссиқлик материалнинг иссиқлик ўтказувчанилиги сабабли унинг ичкари қатламларига кириб боради. Каттиқ жисмларни киздириш ёки совитиш пайтида улар ичида иссиқликнинг тарқалиши тургун бўлмаган жараёндан иборат ва қаттиқ жисмлар учун Фурье тенгламаси билан ифодаланади. Яssi материални киздириш пайтида ҳароратлар майдони фақат битта координата X билан белгиланадиган оддий ҳолат учун Фурье тенгламасини ёзамиз:

$$\frac{\partial t_m}{\partial \tau} = a \frac{\partial^2 t_m}{\partial x^2}; \quad (1-26)$$

бунда:  $a = \lambda/c\rho$  - ҳарорат ўтказувчанилик коэффициенти;

$c$ - материалнинг ўртача иссиқлик сиғими;  $\lambda$  - иссиқлик ўтказувчанилик коэффициенти;  $t_m$ - материалнинг ҳарорати.  $\partial x$  - яssi металл қалинлиги;  $\partial \tau$ - иссиқлик берилган вақт.

Яssi металл учун иссиқлик оқими иссиқлик ўтказувчаниликнинг асосий қонунидан аниқланади:

$$q = -\lambda \frac{\partial t}{\partial x};$$

Ички иссиқлик алмашуви чегаравий шартларга, материалнинг физик хоссаларига ва буюмнинг ўлчамларига боғлик.

### 1.7 Ташки юзанинг ҳарорати $t_m = \theta \tau + 1/2 \theta x^2/a + c$ асосида ўзгарган пайтда буюмларни киздириш.

Бундай киздириш амалга өширилганда буюм юзасининг ҳарорати ўзгармас тезлик  $\theta$  град/соат билан ошиб боради. Маълум вақт ўтиши билан жисмнинг барча нукталарида ҳарорат ўзгаришининг ўзгармас тезлиги  $\theta$  град/соат ўрнатилади. Бундай мунтазам ҳолатдаги жисмнинг ҳароратлар майдони вақт давомида ўзгармас бўлади. Бу ҳолат учун (1-26) дифференциал тенгламаси жуда осон ечилади:

$$t_m = \theta \tau + 1/2 \theta x^2/a + c \quad (1-28).$$

бунида:  $c$ - ўзгармас катталик.

Бу тенгламадан кўринадики, жисмнинг барча нукталарида ҳарорат ўзгармас тезлик билан ортади ва яssi металлнинг кесими бўйича ҳароратнинг тасқимланиши эса, параболик кўринишга эга. Жисмнинг юзаси билан унинг маркази ўртасидаги ҳароратлар фарзи ўзгармас бўлади ва у вақтга боғлик бўлмайди; қалинлиги  $2S$  бўлган яssi металл учун у қўйидагига тенг бўлади:

$$\Delta t_m = t_m^{\text{max}} - t_m^{\text{min}} = 1/2 \theta S^2/a = \text{const} \quad (1-29)$$

Цилиндр учун :

$$\Delta t_M = 1/4 \cdot \theta R^2/a \quad (1-30)$$

Жисем юзасидан ўтаётган иссиклик оқими күйидеги аниқланады:

қалынлғы 2S бўлган ясси металл учун

$$q_{M}^{kosa} = 2\lambda \Delta t_M/S \quad ; \quad (1-31)$$

цилиндр учун:

$$q_{M}^{kosa} = 2\lambda \Delta t_M/R \quad ; \quad (1-32)$$

Булардан кўринадики, иссиклик оқими бу ҳолатлар учун ўзгармас кийматга эга. Қалынлғы 2S бўлган ясси метални қиздириш вактини (1-29) тенгламадан аниқлаш мумкин, бу пайтда  $t_{M}^{kosa} - t_{M}^{kosa0}$  =  $\theta t$  эканини назарда тутиш лозим;

бунда:  $t_{M}^{kosa} - t_{M}^{kosa0}$  - берилган  $\tau$  вакт давомида коза ҳароратининг ортиши.

Методик печларда қалынлғы 2S бўлган ясси метални икки ёддама симметрик қиздириш вактини Н.Ю. Тайц тенгламаси асосида аниқлаш мумкин:

$$\tau = \frac{0,5 S^2}{a \Delta t_M} (t_{M}^{kosa} - t_{M}^{kosa0}) \quad (1-33)$$

Умумий ҳолда турли шаклдаги жисмлар учун

$$K_{sh} \cdot S \tau = \frac{1}{a \Delta t_M} (t_{M}^{kosa} - t_{M}^{kosa0}) \quad (1-34)$$

бунда  $K_{sh}$  - шакл коэффициенти (яъни жисм шаклинин ҳисобга олувиши коэффициент); бу коэффициент күйидеги кийматларга эга :

Чексиз катта ясси жисм ..... 0,500

Чексиз узуаликдаги тўри бурчакли призма ..... 0,355 - 0,450

Цилиндр ..... 0,201 - 0,250

Куб ..... 0,221

Шар ..... 0,167

### 1.8. ЮХК ларда буюмларни ўзгармас ҳароратда (T=const) қиздиришини ҳисоблаш

Амалда камерали печлар тўхтосиз ишлаган пайтда уларнинг кўпчилигига таҳминан ўзгармас ҳарорат ўрнатилади. Уддан ташкари, ўзгарувчан ҳароратли ( $T_b = U_b$ ) печларда ҳароратлар эгри чизигини катор бўлакларга бўлиб, бу бўлакларнинг ҳар биридеги ҳароратни ўзгармас деб

кабул қилиш мүмкін; шундай қилиб, масаланы бу ҳолда ҳам  $T_n = \text{const}$  дегенде көзінде көлтирилу мүмкін.

Юқори ҳароратты күрілмаларда иссикликкінг таҳминан ҳаммаси нурланиш іштесінде ғана үзатылады да материалнинг ташқы юзасыга турағыдан иссиклик оқимини күйіндегі ифодадан анықлаш мүмкін:

$$q_m = C_{\text{кел}} \left[ \left( \frac{T_n}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_m}{100} \right)^4 \right] \quad (1-35).$$

Бұйында пайтдаги конвектив иссиклик берилгенде нурланишнинг көлтирилген коэффициенті  $C_{\text{кел}}$  күннеге тегишлича ортиши билан хисобға олинади.

Бошқа томондан, иссиклик оқимини иссиклик үтказувчанлықкінг асосий қонуны бүйінде күйіндегі теңглама билан ифодалаш мүмкін:

$$q_m = -\lambda \frac{\partial T}{\partial x} \quad (1-36)$$

У ҳолда:

$$C_{\text{кел}} \left[ \left( \frac{T_n}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_m}{100} \right)^4 \right] = -\lambda \frac{\partial T_m}{\partial x} \quad (1-37)$$

Печда қыздырыш жарағети үзгартас ҳароратда ( $T = \text{const}$ ) амалға онырилғандын ҳолатни күриб чықамыз. Жисмнинг ҳарораттін  $T_m$ , материалнинг қыздырыштагача бүлган ҳарораттін  $T_m^0$ , жисм юзасыннан үтказувчанлық ҳарораттін  $T_m^0$  және жисмнинг марказындағы ҳарораттін  $T_m^{\text{МАР}}$  деб белгілайды.

Юқорида көлтирилген (1-37) теңгламаны қалыптастырып 2 S бүлған чексиз ясси жисмнің қыздырыш ҳолаты учун есамиз:

$$\frac{C_p S}{100\lambda} \left( \frac{T_n}{100} \right)^3 \left[ 1 - \left( \frac{T_m^0}{T_n} \right)^4 \right] = \frac{\partial (T_m^0 / T_n)}{\partial (x/S)} \quad (1-38)$$

Бу ерда

$$I = \frac{C_p S}{100\lambda} \left( \frac{T_n}{100} \right)^3 = 10 \frac{C_p S}{\lambda} \left( \frac{T_n}{1000} \right)^3 \quad (1-39)$$

Үлчамасыз көттәлік бўлиб, Г.П. Иванцев (базыда Старк SK) мезони (критерий) дейилади.

Фурье теңгламасын ҳам критериял күрінештегі көлтирилген мүмкін. Буняның утун (1-26) теңгламасын иккала жисми сураттани  $T_n$  га да маҳражини эса  $S^2$  га бўламиш да бу үзгартас кийматларни дифференциал белгилари ичига киритамиз:

$$\frac{\partial \left( \frac{T_M}{T_{II}} \right)}{\partial \left( \frac{x}{S} \right)} = \frac{\partial^2 \left( \frac{T_M}{T_{II}} \right)}{\partial \left( \frac{x}{S} \right)^2} \text{ ёки } \frac{\partial \left( \frac{T_M}{T_{II}} \right)}{\partial (F_0)} = \frac{\partial^2 \left( \frac{T_M}{T_{II}} \right)}{\partial \left( \frac{x}{S} \right)^2}; \quad (1.40)$$

бунда :  $F_0 = a \cdot \frac{x}{S^2}$  - ясси жисм учун Фурье мезони;  $T_M / T_{II}$  - материалнинг  $x/S$  масофедаги ўлчамсиз ҳарорати;  $x/S$  - ясси жисм қалиялигининг ўлчамсиз координатаси .

Юқоридаги (1.38) ва (1.40) тенгиямаларнинг ечимини күйидаги математик бөглилік күриншизида көлтириш мүмкін:

$$\frac{T_M}{T_{II}} = f \left[ \frac{x}{S} ; F_0 ; \text{И} ; \frac{T_M}{T_{II}} \right] \quad (1.41)$$

бунда Фурье мезони күйидагича ифодаланади:

а) қалиялиги  $2S$  бўлган ясси материал учун


$$F_0 = \frac{\alpha \pi}{S^2}; \quad (1.42)$$

б) радиуси  $R$  бўлган цилиндр учун

$$F_0 = \frac{\alpha \pi}{R^2}; \quad (1.43)$$

### 1.9. ЮЖК да металлни ўзгарувчан ҳароратда қиздиришини ҳисоблаш.

Саноат печларининг күпчилигига газларнинг ҳарорати ишчи бўшикда харакатланниши давомида ўзгариб туради (1.7-расм). Шу пайтнинг ўзида қиздирилаётган материалнинг ҳарорати ҳам ўзгариади; одатда, материал газларга иисбатан қарама-қарши йўналишида харакатланади.



1.7-расм. Қарама-қарши оқимли печда "юпка" буюмларни қиздириш схемаси.

1 ва 2- газларнинг ва юпқа материалнинг ҳаракат йўналишлари;

3- мутлақ иссиқлик қоптамаси.

Радиацион-конвектив қиздириш масаласининг аналитик ечимини юпқа пўйат тасмави қиздириши мисолида кўриб чиқамиз. Материалнинг қалиялиги

кatta бўлмагани учун унинг кўндаланг кесимидағи ҳароратлар фарки жуда кичик бўлади ва ташқи иссиқлик алмашуви ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Тургун бўлмаган иссиқлик узатилиши назариясидан маълумки, бу ҳолат қўйидаги шарт бажарилганда мавжуд бўлиши мумкин:

$$\frac{Bi}{0,25} + \frac{I}{0,1} \leq 1 \quad (1-44)$$

Киздириклиётган тасма билан иссиқ газларнинг ҳарорати жуда кам ўзгарадиган печнинг чексиз кичик узунликка эга бўлган бир бўлаги учун радиацион-конвектив иссиқлик алмашувининг дифференциал тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

$10^{-6} C \cdot \kappa \cdot (T_g^4 - T_m^4) dH_H + \alpha_k (T_g - T_m) dH_H = W_m d T_m;$  (1-45)  
бунда  $dH_H = d I / B$  - печ бўлагининг иссиқлик алмашинадиган юзаси;  
 $B$  - узулксиз оқим (тасма) кўринишпода ҳаракатланайтган материалнинг кенитлиги;  $W_m$  - материалнинг сувли эквиваленти.

Газ оқими билан материалнинг сувли эквивалентларини  $m = W_g / W_m$  орқали ва  $T_C = T_g - m T_m$  орқали ўзгармас ҳарорат параметрини белгилаймиз. У ҳолда  $T_m/T_C = \theta_C$  бўлади. Бу белгилар киритилгандан сўнг (1-45) тенглама ўлчамсиз кўринишга киради:

$$I_C [(1+m\theta_C)^4 - \theta_C^4] - Bi [(1+m\theta_C) - \theta_C] = \frac{1}{dF_0} d\theta_C; \quad (1-46).$$

бунда:  $I_C$  - ҳарорат параметри  $T_C$  га нисбатан олинган радиацион мезон (критерий).

$$dF_0 = \frac{a}{S^2} \frac{a}{S^2} \frac{dl}{\omega_m} = \frac{a}{S^2} \frac{dH_H}{B\omega_m};$$

бунда:  $dt$  - печнинг берилган қисмида тасмани қиздириш вақти  
 $\omega_m$  - тасманинг ҳаракатланиш тезлиги.

Масалани ечиш (1-46) тенгламани  $F_0$  ва  $\theta_C$  бўйича интеграллашдан яборат бўлади.

Умумий ҳолда ўзгарувчиларни ажратгандан кейин қўйидагига эга бўламиз:


$$I_C \int_{F_0}^0 dF_0 = \frac{d\theta_C}{(m^4 - 1)\theta_C^4 + 4m^3\theta_C^3 + 6m^2\theta_C^2 + [(m-1)Bi/I_C + 4m]\theta_C + (1+Bi/I_C)}$$

Натижавий ечим қўйидаги кўринишга эга:

$$I_C(F_0'' - F_0') = \Phi'' - \Phi' \quad (1-47)$$

бунда :  $\Phi$  - катталигы таңба  $Bi/I_C$  комплекслари ўзгармас қыйматларининг ва шунингдек, ўзгарувчан  $\theta_C$  чиңг функциясыдан иборат.

$T_C$  таңба каттаиларининг қыйматлари иссиқлик алмашуви ҳолатлариниң ва ҳароратлар графикининг күренишини белгилаб беради. Масалан;  $m > 0$  ва  $T_C/T_1 < 1$  бўлса, карши оқимли иссиқлик алмашуви содир бўлади ва  $T_C/T_1 > 1$  бўлса, - тўғри оқимли иссиқлик алмашуви бўлади ва доказо. Шуниси муҳимки, ҳар бир ҳолатда иссиқлик алмашувчи жисмлар ҳарорати ўзгаришининг уч турини кузатиш мумкин. Бу 1.8-расмда кўрсатилган.



1.8- расм. Ти таңба шартларининг материал тўғри ва қарама-қарши оқимли ҳаракат килган пайтда иссиқлик алмашуви ҳароратига таъсири.

Агар  $m = 0$  ва  $T_C/T_1 = 1$  бўлса, камерали иссиқлик алмашувининг ҳолати кузатилади.

$Bi/I_C$  комплекси нурланиши ва конвектив иссиқлик алмашувларининг ўзаро ишебатини ифодалайди. Агар  $Bi/I_C = 0$  бўлса, фақат нурланиш бўлади. Агар  $Bi/I_C$  ортиб борса, конвектив иссиқлик алмашувининг улуши ўсиб боради.  $Bi/I_C = \infty$  бўлганда, фақат конвектив иссиқлик алмашуви юз беради.

Печдаги ўзгарувчан қиздириш жараёнининг айрим бўлаклари учун  $T_r = \text{const}$  бўлади ва бу шароитда тасманни радиацион-конвектив қиздириш давомийлиги куйидагича аникланади:

$$\tau = \frac{S}{K_{\text{ш}}} \cdot \frac{C_m}{\alpha_k} \cdot \frac{Bi}{I} \cdot (\Phi'' - \Phi') \quad (1.49)$$

бунда  $K_{\text{ш}}$ - материалнинг шаклини ҳисобга олуви чоёвши коэффициент (яси материал учун  $K_{\text{ш}}=1$ );  $C_m$  - материалнинг иссиқлик коэффициенти.

“ $\Phi$ ” параметрининг қыйматлари график ёрдамида аникланади; улар тегишилашибистда келтирилган (Айтгерман В.Н, Тымчак В.М. Протяжные печи, 1969 г., стр. 58-59).


## 1.10. Қызған газлар рециркуляцияси (қайта кирилиши) ва ЮХК ларнинг иссиқлик самарадорлигини ошириш.

Юкори ҳароратли курилмаларнинг ишчи камерасида газларнинг ҳароратини пасайтириш учун ҳўпинча ортиқча ҳаво берилади. Газлар ҳароратини пасайтиришининг бундай усули зарарлидир, чунки ҳаво ортиқлигидан ўсиши албатта чиқиб кетувчи газлар билан иссиқлик йўқотилишини ортиради, демак, ёқилги сарфи кўпаяди ва фойдали иш коэффициенти пасаиди.

Бу масалани ҳал қилишнинг энг тўғри йўлларидан бири тутун газларнинг рециркуляциясini қўлланидан иборат. Амалда газларнинг ички ва ташки рециркуляцияси қўлланилади.

Газларнинг ички рециркуляцияси қўлланилганда аланганинг айrim оқимлари совиб қолган тутун газларини илаштириб қайтадан ёниш камерасига кирилади. Ёниш оқимига жалб қилинган газлар миқдори фақат ишчи камерасидаги ҳароратлар тақсимотига таъсир қилибгина қолмай, балки газларнинг ёниш жараёнига ҳам таъсир қиласди, чунки аралаштириш натижасида ёнувчи аралашма кучсизланади ва шу сабабли алантга узаяди. Ёниш мосламасидан чиқаётган оқимнинг тезлиги ва шунингдек, циркуляция карралиги  $l/d$  нисбатга боғлиқ ( $l$ - оқим кесими билан мосламанинг чиқиши тешиги ўргасидаги масофа,  $d$ - ёкиш мосламасиниг чиқиши тешиги диаметри). Бу нисбат қанчалик катта бўлса, циркуляция карралиги ҳам шунчалик катта бўлади. Демак, циркуляция карралигини ошириш учун кичик диаметрли соплони ташлаш, яъни газ оқимини қатор кичик оқимларга бўлиш лозим. Бундай қилинганда ҳароратлар бир текисда тақсимланади. Ички циркуляция қўлланилган печнинг схемаси 1.8-расмда келтирилган.

Газларнинг ташки циркуляцияси қўлланилган пайтда газлар печнинг ишчи бўшлигидан ташқарида олинади ва вентилатор ёрдамида ёки ёкиш мосламалари ҳосил қиласдиган сийраклик ҳисобига ишчи камерасига ёки ўтхонага қайтарилади (1.9-расм). Бу пайтда печда айланма ҳаракатли газ оқими ҳосил бўлади, бунинг натижасида иссиқлик алмашпуви яхшиланади ва иссиқлик йўқотилиши камаяди.



1.9-расм. Газлар ташки рециркуляциясининг схемалари.

а - вентилатор ёрдамида; б- инжекцион ёқигич(горелка) ёрдамида.

Циркуляция күрсаткычи бўлиб рециркуляция карралиги хизмат қилади:

$$i = \frac{V_{КАЙТА}}{V_r}$$

бунда :  $V_{КАЙТА}$ - қайтарилаётган газлар миқдори;  $V_r$ - ёқилгини оддий ёкиш пайдидаги газлар миқдори.

Газ йўлининг ихтиёрий кесимидаги газларнинг миқдори:

$$V_{РВЦ} = V_r + V_{КАЙТА} = (1+i)V_r \quad (1-50).$$

Рециркуляция газлари ёнишининг калориметрик ҳароратини ёқилғи миқдорини бирлигига нисбатан олинган иссиқлик баланси (мувозанати) тенгламасидан аниқланади:

$$Q_K^H + J_B + J_X + J_{КАЙТА} = [V_r + (V_{КАЙТА} - 4,76 V_{КАЙТА}^{O2})] C_K t_K; \quad (1-51)$$

бунда:  $J_{КАЙТА}$  - қайтарилаётган газлар энталпияси;  $J_X$  - ҳаво билан киритилган иссиқлик;  $V_{КАЙТА}$  - қайтарилаётган газлар миқдори.

Бундан қуйидагига эга бўламиш:

$$\begin{aligned} t_K &= \frac{Q_K^H + J_B + J_X + J_{КАЙТА}}{[V_r + (V_{КАЙТА} - 4,76 V_{КАЙТА}^{O2})] C_K} = \\ &= \frac{Q_K^H + C_B t_B + (V^0 \alpha_B - 4,76 V_{КАЙТА}^{O2}) C_K t_X + V_{КАЙТА} C_{КАЙТА} t_{КАЙТА}}{[V_r + (V_{КАЙТА} - 4,76 V_{КАЙТА}^{O2})] C_K}; \end{aligned} \quad (1-52)$$

Агар (2-51) тенгламани  $V_r C_K$  кийматига бўлсак, қуйидагига эга бўламиш:

$$\frac{Q_K^H + J_K}{V_2 C_K} + \frac{J_{КАЙТА}}{V_r C_K} = \frac{(V_r + V_{КАЙТА}) C_K t_{КРВЦ}}{V_r C_K};$$

бундан :

$$t_{КРВЦ} = \frac{t_K + i C_{КАЙТА} / C_K - t_{КАЙТА}}{1 + i} \quad (1-53)$$

ёки тахминий қўринишда :

$$t_{КРВЦ} \cong \frac{t_K + i t_{КАЙТА}}{1 + i}; \quad (1-54)$$

бунда :  $i = V_{КАЙТА} / V_r$  - рециркуляция карралиги.

## **Иккинчи боб.**

**Юқори ҳароратли қурилмаларни математик моделлапш за лойиҳалаш.**

### **2.1.Асосий тушунчалар.**

Объектнинг ўзини тадқиқ қилиш қийин, киммат ва қўп вақт талаб қилади ёки айрим ҳолларда умуман тадқиқ қилиш мумкин бўлмайди (масалан, лойиҳалаш пайтида), бундай вақтларда моделлашга зарурат тугилади. Модел (нусха) - бу бирор бир объектнинг кичиклаштирилган ва кулагайлаштирилган нусхаси бўлиб, унинг характеристикаларини ўрганиш учун яратилади. Физик ва математик моделлар ва тегишлича физик ва математик моделлаш фарқ қилинади. Физик моделлашда ҳақиқий объект билан унинг модели (нусхаси) бир хил физик табиатга эга бўлади.

Математик моделлашда ҳодисанинг ўзи билан әмас, балки ундан олинган назарий “намуна”, яъни модели устида иш олиб борилади. Бу модел текширилаётган ҳодиса бўйсунадиган асосий қонуниятларни математик формада ифодалайди. Математик модел - бу тадқиқ қилинаётган реал объектнинг айрим характеристикаларини ифодаловчи математик нисбатлар системасидир.

Математик нисбатларнинг у ёки бу туркуми математик модел деб аталиши учун улар объектнинг асосий хоссалари ва ўзаро боғланишларини тўла акс эттириши шарт.

Математик моделлашда ўзаро боғланган турли параметрларни ўзгартириш ўюли билан жараённи ЭҲМ ёрдамида тадқиқ қилинади. Бу ўрганилаётган жараён кечинининг турли кўринишлари ҳақидаги маълумотларни тез олиш ва моделнинг, шу билан бирга ўрганилаётган реал жараённинг оптималь вариантларини аниқлаш имкониятини беради.

Юқори ҳароратли қурилмаларни моделлашда аналог ва рақамли хисоблаш машиналаридан фойдаланилади.

Аналог машиналаридан аналогия (ўхшашик) принципидан фойдаланилади; бу принцип асосида физик табиати турлича бўлган ҳодисаларга тегишли математик моделларнинг изоморфизми ётади.

Мисол тарикасида қўйилдаги ҳодисаларни ифодаловчи дифференциал тенгламаларни келтирамиз:

суюқликдаги ишқалиш (Ньютоннинг ишқаланиш қонуни)  $\tau = \mu \frac{d\omega}{dx}$  ;

иссиқлик узатилиши (Фурье қонуни)  $q = -\lambda \frac{dt}{dx} \frac{dc}{dx}$


модда алмашынуви (Фик қонуни)  $g\theta = -D \frac{dx}{dx} \frac{dc}{dU}$  ;

электр узатилиши (Ом қонуни)  $i = -\frac{\rho}{dx} \frac{dx}{dU}$

Күриниб турибдики, бу тенгламаларнинг барчасига тегишли градиентлар: тезлик  $d\omega/dx$ , ҳарорат  $d\theta/dx$ , концентрация  $dc/dx$ , кучланиш  $dU/dx$  киради.

Агар бошқача ўлчов билан ҳисоблаш имконини берадиган тегишли коэффициентлар киритилса, ҳар қандай ҳодисани электр узатилишидаги каби моделлаш мумкин. Бундай аналогиялар принципи битта муайян мисолни ечиш натижасида ўхшашиб математик тенгламалар билан ифодаланадиган бутун бир синфга тегишли объектларнинг хоссалари ҳақида ахборот олиш имконини беради. Аналог машиналари физик моделлаш ва математик моделлаш бажариладиган ЭХМларга бўлинади. Улар тегишлича модель-аналоглар ва структурални аналог ҳисоблаш машиналари дейилади. Икки турдаги аналог машиналарининг ўзига хос томонлари 2.1-расмда акс эттирилган.

Келтирилган “а” расмда иссиқлик схемаси ва унинг гидравлик ҳамда электр модель-аналоглари кўрсатилган. Бу моделларни ўзаро таҳдослаш шуну кўрсатадики, ҳарорат “Т” нинг аналоги бўлиб гидравлик моделда гидравлик сикув “Н” ва электр моделда эса - кучланиш “У” хизмат қиласи. Термик қаршилик  $R_T = S/\lambda$  нинг аналоги бўлиб гидравлик қаршилик  $R_F$  ва резисторнинг электр қаршилиги  $R_\Theta$  хизмат қиласи. Шунингдек, иссиқлик сиғими  $C_T$  нинг аналоги суюқлик жойлашган идиши кесимининг юзаси  $S$  ва электр моделида эса - конденсатор сиғими  $C_\Theta$  бўлади.



2.4-расм. ЭХМ АНАЛОГЛАРИДА ТЕКШИРИШ УЧУН а) МОДЕЛ-АНАЛОГ  
ВА б) ТАРКИБИЙ СХЕМА

б)

Ушбу “б” расмда ҳароратнинг стержень (метали таёқча) бўйлаб стационар тақсимланиши ҳақидаги масаланинг структурали схемаси келтирилган. Бу ерда ҳар бир интегратор шундай ишлайдики, унинг кириши қисмига ихтиёрий физик ўзгарувчи берилганда унинг чиқиши қисмидан кириш катталигининг мустақил ўзгарувчи вақт бўйича интегралидан иборат бўлган физик катталилар ҳосил қилинади.

Келтирилган “б” расмдаги схема  $x=0; t=t_1; \frac{dt}{dx}=c$ ; чегаравий шартларда олинган қуйидаги тенгламани очиш имконини беради:

$$\frac{d^2t}{dx^2} = \frac{\alpha \cdot p}{\lambda f} \cdot t;$$

бунда:  $\alpha$  - иссиқлик бериши коэффициенти (стержендан мухиттга);

$p, f$  - стерженнинг периметри ва кесим юзаси;

$\lambda$  - иссиқлик ўтказувчаник коэффициенти.

Модель-аналог машиналари кўпроқ ихтисослаштирилган бўладилар; уларнинг тузилиши тадқиқ қилинадиган физик системаларнинг ҳусусиятлари билан белгиланади. Структурали аналог ЭХМлари универсалроқ бўлади.

Ракамли электрон ҳисоблаш машиналари мутлақ универсаллик ҳусусиятнига ага бўлиб, мураккаб тенгламалар билан ифодаланган масалаларни очиш ва математик моделлаш имкониятини берадилар.

Аналог ЭХМларининг афзаллиги - тез ишлами, берилганларни киритиш ва чиқаришининг соддалиги, ишлатиш учун олдиндан кўп тайёргарлик кўришининг зарур эмаслиги, турли вақт масштабларида ишлаш имкониятига эга бўлишлик ва ҳоказо. Аналог ЭХМларининг камчилиги - ҳисоблаш натижаларининг аниқ эмаслиги ва уларнинг тор даражада ихтисослашганлигидир.

Турли даражадаги чизиқли ва чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламалар системасининг очимиши аналог ЭХМлар ёрдамида акс эттириш энг катта самара беради. Ракамли ЭХМлар юкори аниқликка эга, аммо уларда масалани очишга тайёрлаш учун кўп вақт ва мёҳнат талаб қилинади.

Охиригі пайтда аналог-рақамлы ҳисоблаш машиналари құлланыла бошланған, улар иккала синфдаги ҳисоблаш машиналарининг ағзаликтериниң үзларидан жақсамлантирган.

## 2.2. ЮХҚ лар ишлешини математик моделлаш бескічелер

Юқори жароратли курилмалар (ЮХҚ)ни математик моделлаш жараёни қуидеги бескічелерден избарат:

- ЮХҚнинг математик моделині шаклдантириш, ҳисоблаш алгоритмини танлаш;
- ЭХМ үзүн дастанрны түзип;
- түзилған дастан асосида ЭХМда ҳисоблаш ишларини амалга ошириш;
- нәтижеларни тақдил қилиш.

ЮХҚнинг математик модели құйилған масаланиң хусусиятига боялик ҳолда беш хил мұракаблік даражасында әга бўлиши мумкин. Масалан, саноат жорхоналари туркумининг ёқилги-энергетик балансини оптималлаш шайтида тузяладиган математик моделлар тайёр маҳсулот қийматининг ёқилғи ва бошқа турдаги энергиялар сарфига статик бояклигиги асосида шаклданышы мумкин. Корхона миқёсида факат берилған маълум жароратдаги ЮХҚнинг иш ҳолати үзүн түзилған материал ва энергетик балансларни акс эттирувчи математик моделлардан фойдаланиш мумкин. Иккала мисолда ҳам мұраккаблиги биринчи даражали бўлган математик модельга әга бўламиз.

ЮХҚ нинг иккичи даражали мұраккаблікка әга бўлган модели шу курилманиң реактори (ишчи бўшлиғи) даги иссиқлик ва масса алмашуви динамикасини ҳисобга олади. Бу модель ишлаб турган ЮХҚларнинг ва цехнинг ёқилги - энергетик мажмуй иш ҳолатлари параметрларини оптималлаштириш масаласини ечишга имкон беради.

ЮХҚ нинг учинчи даражали мұраккаблікка әга бўлган математик моделлари иссиқлик ва масса алмашуви жараёнларининг курилма реакторининг конструктив хусусиятларига бояклигини ҳисобга олади. Бундай моделлар ЮХҚнинг факат иш ҳолатларини әмас, балки унинг асосий конструктив параметрларини ва биринчи галда реактор камерасининг

геометрик характеристикаларини оптималлаш имконини беради. Аммо учинчى даражали математик моделлар ЮХҚнинг факат олдиндан берилган туринигина акс эттиради. ЮХҚнинг учинчى даражали моделларида математик ифодаланиши жиҳатдан жуда мураккаб бўлган жараёнлар (ёпиқ даждаги газларнинг ҳаракати, ёкилгининг алангали ёниш жараёни ва бошқалар) физик моделларда олинган эмперик тенгламалар орқали ифодаланади. Учинчى даражали моделлар ЮХҚни автоматик лойиҳалаш тизимини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ЮХҚнинг тўртинчи даражали мураккабликка эга бўлган математик моделлари олдиндан қабул қилинадиган конструктив схема билан чекланмайди, балки технологик жараёни амалга ошириши пайтида катнашадиган физик ҳодисаларнинг кетма-кетлиги олдиндан берилган бўлади.

Нидоят, ЮХҚнинг энг юқори-бешинчى даражали мураккабликдаги математик модели мақсадга эришиш учун, яъни режалаштирилган сифатга эга бўлган маҳсулотни олиш учун, физик воситаларни танлашда чекланмаган бўлиши керак. Бешинчى даражали математик модел универсал деб ҳаралиши мумкин, чунки ундан айрим блокларни кетма-кет чиқариш йўли билан ҳар кандай даражадаги моделни олиш мумкин.

Ҳисоблаш алгоритмини танлаш пайтида ечиладиган масала хусусиятларини назарда тутиш лозим. Масалани ечишга ўтишдан олдин оптималь алгоритмни танлашга маълум микдорда вакт сарфлаб, кейинчалик кўпшаб соатни тежаш мумкин. Тегишли масалаларни ечиш учун оптималь алгоритмларни танлаш бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва четтилардан таржима қилинган етарли микдорда қўлланмалар мавжуд (2,3).

ЭҲМ учун дастур тузиш босқичи амалий дастурлар пакети борлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Масалан, ёкилги ёнишини ҳисоблаш, ёкиш мосламаларини ҳисоблаш, рекуператорларни ҳисоблаш, тўсиқ орқали ўтадиган иссиқлик оқимларини ҳисоблаш ва бошқалар бўйича дастурлар мавжуд. Олдиндан тузилган ва созланган дастурлар асосида қатор ҳисоблашлар бажарилади, улар натижасида объект ишини ифодаловчи сонлар туркуми ҳосил бўлади.

Охиригина босқичда натижалар таҳлил қилинади. Бу босқичда одатда математик моделга ва ҳисоблаш алгоритмiga аниқлик киритилади ва математик моделлаш цикли янада мұжкаммалроқ асосда тақрорланади.

Математик моделлаш ва уни қўллаш натижасида кўзланган мақсадга эришиш учун аниқ миқдорий шаклда ифодаланган амалий тавсиялар берилади.

### 2.3 Математик моделларнинг тузилиши.


Одатда мураккаб математик моделлар алоҳида жараёнларни ёки ҳисоблаш босқичларини акс эттирувчи оддий моделлардан ташкил топади. Бундай оддий моделларни баъзида субмоделлар деб атайдилар. Субмоделлардан ЮХҚ реакторининг ихтиёрий даражадаги мураккабликка эга бўлган математик моделини йигиш мумкин.

2.2-расмда металлини қиздиришга мўлжалланган ЮХҚ реакторининг учинчи даража мураккабликдаги математик моделининг тузилиши (структураси) кўрсатилган. Умумий модел тўртта субмоделлардан тузилган; улар ҳириш ва чиқиш параметрлари: ЮХҚнинг материал баланси, ЮХҚнинг энергетик баланси, ЮХҚ ичидағи иссиқлик ва масса алмашуви, назорат ва диагностика орқали бир-бiri билан ўзаро боғланган. Ўз навбатида ҳар бир субмодел бир ёки бир неча ҳисоблаш блокларидан иборат бўлиши мумкин. Масалан, “материал баланси” субмодели учта ҳисоблаш блокидан иборат: 1) ёниш ҳарорати ва ҳаво сарфи коэффициентининг берилган қийматларида ёниш маҳсулотларининг таркиби ва миқдорини аниқлаш; 2) металли юзасида ҳароратнинг маълум ўзгариши бўйича ва печ атмосферасининг маълум таркиби шароитида металлининг куишини (куйиндинси) аниқлаш; 3) технологик жараён давомида ҳосил бўладиган жўшимча маҳсулот ва мондаларнинг миқдори ҳамда таркибини аниқлаш.

“Энергетик баланс” субмодели материал баланс параметрлари бўйича ва “иссиқлик ва масса алмашуви” субмодели чиқариб берадиган айрим параметрлар (чиқиб кетувчи газлар ҳарорати, реактор ўлчамлари) бўйича ёкилиги (ёки бошқа турдаги энергия) сарфини аниқлашга мўлжалланган ҳисоблаш блокидан иборат. “Иссиқлик ва масса алмашуви” субмодели учта ҳисоблаш блокидан иборат: ҳароратлар майдонини аниқлаш, тезликлар ва босимлар майдонини аниқлаш ҳамда иссиқликнинг ажралиб чиқиши майдонини аниқлаш.

Хар бир ҳисоблаш блоки таркибида дифференциал тенгламалар бўлиб, бу блокларнинг ҳар бири тегишли берилган кириш параметрларида автоном ҳолда ишлаши мумкин.

“Ҳароратлар майдони” блокида металл, газ ва реактор деворларининг ҳароратлар майдони аниқланади. Бу майдонларнинг ўзаро алоқадорлиги ЮҲКнинг турига боғлиқ бўлган чегаравий шартлар билан белгиланади. Масалан, ёқилиги ёқиладиган қиздириш печларининг чегаравий шартларига металл заки (куйиндиси) қатламишининг термик қаршилиги ва металлининг оксидланиш иссиклиги киради. Мифель печларида қиздирилаётган жисмининг, газ ва тўсикларнинг ҳароратлар майдони муфель деворининг ҳароратлар майдонини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Алангали эритиш печларида чегаравий шартлар ишлов берилаётган жисм билан аланга ўртасида воситачи-жисм вазифасини бажарадиган сиртқи эриган қатлам пайдо бўлишини ҳисобга олади.



2.2-расм. ЮҲК реактори математик моделининг таркибий қисмлари.

Методик пешларда чегаравий шартлар глиссаж (сирпаниш) кувурлари ва бошқа сунъий совитиладиган элементлар билан бўладиган иссиқлик алмашувини ҳисобга олиши керак.

Газли жисмнинг ҳароратлар майдонини аниқлаш пайтида энергия баланси тенгламасидан фойдаланилади. Агар газли жисм қатор зоналарга бўлинган бўлса, тегишли тенгламалар системасини очиш учун, одатда интеракцион жараённи амалга ошириш талаб қилинади.

Учинчи даражали мураккабликка эга бўлган моделнинг кириш параметрлари қуйидаги берилганлардан иборат бўлади: энергия манбаси (хусусан, ёкилгининг элементар ёки таркибий тахлили), курилманинг унумдорлиги ва унинг иш ҳолатлари, ЮХҚ, нинг тўсиқ ва деворлари ясалган материалларнинг иссиқлик-физик хоссалари, иссиқлик билан ишлов бериладиган жисмларнинг ўлчамлари ва хоссалари, термик кучланишлар ва маҳсулотга ишлов бериш сифатига қўйиладиган чекловчи талаблар ёки реактор ва ишчи камеранинг ўлчамлари.

Ёқилги ёқиладиган ЮХҚ лар учун кўшимча ҳолда ёқилгининг ёниш ҳолатлари, ёниш маҳсулотларининг ёхгич каналидан ЮХҚ, нинг ишчи бўшлиғига чиқиши тезлиги, ёкишга бериладиган ҳавонинг солиштирма сарфи ва ҳарорати; электр ЮХҚ лари учун реактордаги атмосферанинг параметрлари ва ҳаракатланиш тезлиги берилиши керак.

Моделнинг чиқиши параметрлари материал ва энергетик баланслар бўйича қуйидаги маълумотларни бериши керак: энергия (ёқилги) сарфи; маҳсулот, қўшимча маҳсулот ва технологик жараён чиқинцилари (хусусан, чиқиб кетувчи газлар) нинг чиқиши, таркиби ва ҳароратлари; курилманинг ташкик деворлари орқали энергиянинг атмосферага тарқалиши. ЮХҚ ни ишлатиш шароитларини назорат қилиш учун чиқиши параметрларида ҳароратлар майдонлари бўйича иссиқлик бериш коэффициенти, курланиш коэффициенти ва курилма ойналари яқинидаги газлар босими бўйича баъзи маълумотларга эга бўлиш мақсадтга мувофиқ бўлади.

“Назорат ва диагностика” субмоделида ЮХҚ математик моделининг тузилиши қайтарилади, аммо ҳар бир элемент энг оддий тенгламалар системаси асосида шаклланади. Бундай оддий элементлар моделларни йигиш ва созлаш пайтида “тиқинлар” деб аталади, улар ёрдамида дастурни созлаш жараённи сезиларли даражада соддалашади. Модель элементларини тегишли тикинларга кетма-кет алмаштириши йўли билан модель ишламай қоладиган

ёки маъносиз натижга берадиган элемент ЭХМ томонидан аниқланади. “Назорат ва диагностика” субмоделига алоҳида элементларнинг ва бутун моделнинг барча чиқиши параметри оғишининг йўл қўйилган чегаралари киритилган бўлади. Назорат операциялари бошқа субмоделларда ҳисоблаш ишлари бажараётган пайтда ҳам амалга оширилиши мумкин.

ЮҲҚ нинг математик моделини тузишни амалда кўп марта синалган модуллар ёрдамида олиб бориш қулай бўлади. Модуль - у ёки бу жараённинг ёки унинг айrim босқичининг мустақил элементар математик модели ҳисобланади.

У мустақил кичик дастур (подпрограмма) кўринишида амалга оширилади. Ҳисоблаш жараёнида бу кичик дастур (модуль) берилган асосий дастур ҳажмида кўп карра фойдаланилади. Масалан, ЮҲҚ да ихтиёрий шаклдаги жисм қиздирилган пайтда уни жуда кўп элементар паралеллепипедлардан ташкил топган деб қабул қилиш мумкин. Бу паралеллепипедлардан ихтиёрий шакл ва ўлчамдаги жисмни “йигинш” мумкин бўлади ва уларнинг ҳарорат майдонларини тегишлича бирлаштириб (тўртинчи турдаги чегаравий шартлардан фойдаланиб), изланган умумий ҳароратлар майдонини олиш мумкин. Демак, кўрилаётган ҳолда модуль - элементар паралеллепипед бўлиб, иссиқлик ўтказувчаникнинг Фурье дифференциал тенгламаси:

$$C_{pp} \frac{\partial t}{\partial t} = \sum_{n=1}^3 \lambda \frac{\partial}{\partial X_n} + q_v$$

бу паралеллепипеднинг ихтиёрий берилган кириш ва чегаравий шартларида ҳароратлар майдонини аниқлайди ва у элементар математик модель бўлиб, кичик дастур кўринишида амалга оширилади.

Масалани ЭХМ да ечиш давомида ўзгарувчи чегаравий шартларда паралеллепипеднинг ҳароратлар майдони ҳисобланадиган кичик дастурга кўп марта мурожаат қилинади. ЮҲҚни ҳисоблаш пайтида чегаравий шартларни олдиндан танлаб олинган модуллар (масалан, “металлнинг қувиши”, “муфель”, “таг билан контакт” ва бошқалар)га мослаб қабул қилиш янада қулай бўлади.

Газ ҳажмининг математик моделини тузиш пайтида ҳисоблаш моделларидан - куб шаклидаги элементар газ ҳажмларининг иссиқлик балансларидан фойдаланиш мумкин. Бу кублардан газ ҳажмининг иктиёрий шаклини йигиш мумкин.

## 2.4.ЮҲҚ реактори математик моделининг асосий тенгламалари.

ЮҲҚ реакторининг математик модели кўп даражада унда амалга оширилаётган технологик жараённинг турига ва ишлов бериллаётган материалга боғлиқ бўлади.

Метални қиздириш учун мўлжалланган реакторнинг математик ифодаланишини кўриб чиқамиз. Бувдай модельнинг тузилиши 2.2-расмда келтирилган.


“Материал баланс” субмоделида термодинамик мувозанатлик шароитида ёниш маҳсулотларининг чиқиши ва таржиби ҳисобланади. Ҳисоблаш блокининг кириш параметрлари қўйидагилар: ёқилги таржиби, унинг ёниш иссиқлиги, ҳавонинг солингирма сарфи, ёниш жараёни тутайдиган ҳарорат. Бунга қўшимча ҳолда технологик жараён давомида ҳосил бўладиган металл қўйиндисининг қалинлигини ва металлининг оксидланишига кетадиган кислород сарфини ҳисоблаб аниqlанади.

“Энергетик баланс” субмоделида энергетик баланс тенгламаси асосий ҳисобланади.

“Ҳароратлар майдонлари” блокида 2.3-расмда кўрсатилган тургун ҳолатдан фойдаланилади.

Бу ҳолатда ЮҲҚнинг иш цикли уни олдиндан қиздириш вақтидан  $\tau_0$  реакторнинг ўзгармас ҳароратда ишлаган вақтидан  $\tau_{\text{иш}}$  ва совитиш вақтидан иборат бўлади. 2.3-расмда девор ички юзасининг ҳарорати -  $T_d$  ўзининг минимал қиймати  $T_d^{\text{min}}$  дан то максимал қиймати  $T_d^{\text{max}}$  гача ўзариши кўрсатилган.

Қиздириладиган материал  $R=R_v$  ўлчамли пластина (яси тахта) кўринишидан берилган бўлиб,  $T_r=\text{const}$  ҳолатида  $T_{\text{уп}}(0)=T_0$  дан то  $T_{\text{уп}}(\tau_{\text{ох}})=T_{\text{уп},\text{ох}}$  гача қиздирилади. Пластина кесимида ҳарорат квадрат парабола кўринишидан ўзаради, шунинг учун:



2.3-расм. Камерали қиздириш ЮХК сининг иш ҳолати ҳароратлари.

— — — реакторнинг нурланиш ҳарорати;

— · — — девор ички юзасининг ҳарорати;

— x-x — газ ҳарорати;

— — — девор ички юзасининг вакт бўйича ўртача ҳарорати.

$$T_M = T(1, F_O) = T_{yp}(F_O) + \frac{q_{\pi M} R}{3 \lambda(T_{yp})}; \quad (2-1)$$

бунда

$$q_{\pi M} = \alpha (T_\Gamma - T_M) + \sigma_M (T_\Gamma^2 - T_M^2); \quad (2-2)$$

$$\frac{2\lambda}{R}$$

Будан тапкъари  $q(1, \tau) = \frac{2\lambda}{R} \cdot \Delta t = q$  эканини назарда тутсак,

$\Delta T(\tau_{ox}) \leq \Delta T_{ox}$  шароити учун қуйидагига эга бўламиш:

$$q_{\pi M}(\tau_{ox}) = \frac{2\lambda (T_{yp,ox}) \Delta T_{ox}}{R}; \quad (2-3)$$

Келтирилган (2-1) ва (2-2) тенгламаларни ҳисобга олганда ва  $q_{PM}(\tau_{OX})$  маълум бўлганда газ жисмининг ишчи ҳароратини аниқлаш учун қуйидаги тенгламага эга бўламиш:

$$q_{PM}(\tau_{OX}) = \alpha (T_F - T_{y_{POX}} - \frac{\Delta T_{OX}}{3}) + \\ + \sigma_M [T_F^4 - (T_{y_{POX}} - \frac{\Delta T_{OX}}{3})^4]; \quad (2-4)$$

бунда:  $\alpha$  ва  $\sigma_M$  - тегишлича  $T_F$  ва  $T_M$  ларга, реактор ишчи бўшлигининг ўлчамларига ва ёқилги сарфига боғлиқ бўлган параметрлар.

Бу ерда  $\tau_{OX}$  ни топиш учун  $T_{y_{POX}}$  нинг  $T_O$  дан то  $T_{y_{POX}}$  гача ўзгариш интервали  $i$  та тенг бўлакларга бўлинади ва уларнинг ҳар бирни учун (2-4) тенгламадан  $q_{PM_i}$  нинг ҳиймати аниқланади. Ҳар бир бўлакдаги қиздириш вақти  $\tau_i$  иссиқлик балансидан топилади:

$$q_{PM_i} \tau_i = \rho R \Delta H_i; \quad (2-5)$$

бунда:  $\Delta H_i$  - берилган бўлакчада материал энталпиясининг ортиши, у бўлакча чегарасидаги ўртacha ҳароратлар орқали аниқланади. Умумий вақт  $\tau_{OX}$  барча  $\tau_i$  ларни кўшиш натижасида топилади.

ЮЖК нинг деворлари, одатда мураккаб шаклини ва кўп қатламли бўлади. Иккинчи даражада мураккабликдаги моделлар учун деворлар шаклини чексиз пластина ёки ички радиуси  $R_O = 3V_{iB}/F_O$  бўлган цилиндрик ёки сферик юза деб қабул қилиш мумкин (бунда:  $V_{iB}$  ва  $F_O$  - ишчи бўшлиқнинг тегишлича ҳажми ва ички юзаси). Девор қатламлари ўртасидаги чегаравий радиуслар тегишли қатламлар учун алоҳида аниқланади. Масалан, биринчи қатлам учун  $R_1$  қуйидаги тенгламадан топилади:

$$V_1 = \frac{2}{3} \pi (R_1^3 - R_0^3);$$

Иккинчи қатламнинг чегараси учун:  $V_2 = \frac{2}{3} \pi (R_2^3 - R_1^3)$  ва доказо.


Курилма деворининг ҳароратини ҳисоблаш учун қуйидаги чегаравий шартларни қабул қиласиз:

$$t_j = (x, \theta) = t_{\text{ам}} \quad (2-6)$$

$$\alpha = [t(R_{\text{ТАШ}} \tau) - t_{\text{ам}}] = \lambda_{\text{тш}} \nabla t (R_{\text{ТАШ}}, \tau); \quad (2-7)$$

$$\alpha = [t_\Gamma - t(R_0, \tau)] = -\lambda_0 \nabla t (R_0, \tau); \quad (2-8)$$

бунда:  $t_{\text{ам}}$  - атроф-мұхит ҳарорати;  
 $\alpha$  - иссиклик берештік коэффициенти.



2.4-расм. ЮХК деворининг күп қатламлы сферик юза билан  
апроксимациясы.

Хисоблаш натижавы фарқлаништарни аниклаш усулида олиб борилади. Иссиклик алмашуви коэффициентининг конвектив ташкил қолтүүчеси қўйидаги формулада аникланади:

$$\alpha_K = 0.056 \lambda_\Gamma \sqrt{\frac{IR_V}{V_\Gamma \nu \cdot \mu}}; \quad (2-9)$$

бунда:  $\lambda_\Gamma$  - өніш мәхсүлтларининг иссиклик-физик параметрлари,

$R_V$  - газли җажманинг умумлаштирилган ўлчами;

$I$  - ишчи бўлилигига киритилаётган янги өніш мәхсүлтлари оқимининг импульси.

$R_\Gamma$  ва  $V_\Gamma$  нинг қийматлари (хусусан,  $R_\Gamma = V_2/F_2$ ) реакторнинг ўлчамлари асосида аниқланади. Реакторнинг ўлчамлари эса, ўз навбатида, ЮХКнинг унумдорлиги ва қиздириш вақти  $\tau_{ox}$  бўйича аниқланади. Оқимларнинг импульси ёқилти сарфи "B" ва ёниш маҳсулотларининг ёқигичдан чиқиши тезлиги асосида аниқланади.

Газ - девор - металл системасидаги нурланишинг келтирилган коэффициенти В.И.Тимофеев формуласидан аниқланади; унга газ жисмийнинг нурланиш коэффициенти  $\epsilon_\Gamma$ , деворнинг иссиқликка чидамли қопламасининг ривожлантирилганлик даражаси -  $\omega$  [хусусан,  $\omega=(\tau_{ox}, T_\Gamma)$ ] киради.

Агар  $\tau_\delta < \tau < \tau_x$  бўлса, газли ҳажмнинг ҳарорати ЮХКдан чиқиб кетувчи газларнинг ҳароратига тенг ва ўзгармас деб қабул қилинади. Реакторнинг қизиши давомида  $0 < \tau < \tau_\delta$  бўлса, газлар ҳароратининг ўртача қиймати  $T_\Gamma$  деворлар томонидан ютилган иссиқлик  $Q_\delta$  ва деворнинг вақт бўйича ўртача ҳарорати  $T_{d,\delta}$  билан белгиланади:

$$Q_\delta = \alpha_{K\delta} (T_\Gamma - T_{d,\delta}) F_0 \tau_\delta + \sigma_{\Gamma K} \left( \frac{\epsilon_D}{\epsilon_\Gamma} - \frac{T_{d,\delta}^4}{T_\Gamma^4} \right) F_0 \tau_\delta ; \quad (2-10)$$


бунда:  $\sigma_{\Gamma D} = \sigma_0 \left( \frac{1}{\epsilon_\Gamma} + \frac{1}{\epsilon_D} - 1 \right)^{-1}$ ; бу ерда  $\epsilon_\Gamma$  ва  $\epsilon_D$  - газларнинг ва деворнинг тегишлича ўртача ҳароратлари  $T_\Gamma$  ва  $T_d$  даги нурланиш коэффициентлари;  $\alpha_K$  нинг қиймати (2-9) тенгламадан тошилади.

## 2.5. ЮХК нинг иш ҳолатини ЭҲМ да оғималлаш

Оғималлаш деганди шундай жараён ёки амаллар кетма-кетлиги тушунилади, улар ёрдамида маълум оғималлик мезонининг оптимумини (максимум ёки минимумини) олиш мумкин бўлади. Металлни қиздиришга мўлжалланган ЮХК учун оғималлик мезони сифатида ёқилгининг солиштирма сарфи, металлнинг куйини, қиздириш жараёнининг давомийлиги, қиздиришнинг келтирилган харажатлари (иктисодий курсаткичлар) ва бошқаларни қабул қилиш мумкин.

Метални қиздириш ҳолати деганда металлнинг қиздириладиган юзаси ҳароратининг бошлангич қиймати  $T_0$  дан то берилган охирги қиймати  $T_{ox}$  гача маълум вақт давомида  $\phi(\tau)$  ўзгариши тушунилади.

Амалиётда турли ҳолатлар  $\phi(\tau)$  кузатилади. Метални қиздириши пайтидаги ЮХҚ нинг баъзи иш ҳолатлари 2.5- расмда кўрсатилган.



2.5-расм Қиздириши ЮХҚ ларининг одатдаги иш ҳолатлари.

а - камерали стационар; б- камерали икки погонали; в- камерали икки погонали ва совитишли; г- методик (қатъий режали) тўрт зонали.

Келтирилган 2.5-расм, “а” да стационар ишлайдиган камерали ЮХҚ лар учун характерли бўлган биринчи синф иш ҳолатлари кўрсатилган.  $\phi(\tau)$  чизикларининг кўриниши жисмнинг иссиқлик сиддирувчанилигига, конвектив ва нурланиш йўли билан иссиқлик бериш жадаллигига, ҳароратга караб жисмнинг иссиқлик-физик хоссаларининг ўзгаришига ва бошқа омилиларга боғлиқ бўлади. Аммо барча  $\phi(\tau)$  эрги чизиклари учун умумий бўлган жиҳат шундан иборатки,  $\tau$  нинг ортини билан жисмнинг ҳарорати газ жисмнинг ҳарорати  $T_r$  га асимптотик равишда яқинлашиб боради. Бундан ташқари  $\tau = 0$  бўлган пайтда жисм ҳарорати ўсишининг тезлиги жуда юкори бўлади. Амалда  $T_r$  қийматини кўтариш ва пасайтириш йўли билан қиздириш вақтини ёки қиздириши сифатини ўзgartириш мумкин. Қиздириш сифати реактордан чиқаётган тайёр маҳсулот кесимида ҳароратлар фарқининг максимал қиймати  $\Delta T_{ox}$  билан белгиланаади. Аммо  $\Delta T_{ox}$  ва  $\tau_{ox}$  мустақил ўзгарувчилар кўринишида эмас, балки  $\Delta T_{ox}(\tau_{ox})$  боғлиқлик кўринишида берилади.

Иш ҳолатларининг иккичи синфи вақт давомида ҳарорати ўзгарадиган  $T_r(\tau)$  камерали ЮХҚ лар учун хосдир. Уларда, одатда, икки погонали иш ҳолатлари (2.5-расм, б) амалга оширилади. Биринчи погона (босқич)да реактор ёқгичлари тўла қувватда ишлайди ва қиздирилдиган

жиси юзасининг ҳарорати  $T_{Ox}$  га етганда - иккичи погона (босқич) бошланади, унда юза ҳарорати  $T_{Ox}$  ўзгармас ҳолда сақлаб турлади. Сақлаб туриш босқичининг давомийлиги  $\tau_{CT}$  берилган сифат параметри  $\Delta T_{Ox}$  билан белгиланади. Бу икки погонали иш ҳолатида  $\tau_{Ox} = \tau_b + \tau_{CT}$  ва  $\Delta T_{Ox}$  параметрлари мустакил ўзгарувчилар сифатида берилиши мумкин, аммо бу пайтда  $\tau_{Ox} > \tau_{CT}$  шарт бажарилиши лозим.

Агар технология бўйича қўйумнинг юзаси вактничалик  $\delta T_{Ox}$  қийматга ўта қизитиладиган бўлса (2.5-расм., в), у ҳолда биринчи босқични қўйум юзасининг ҳарорати  $T_{Ox} + \delta T_{Ox}$  га етиши таъминланадиган  $\tau_b$  вакт билан чеклаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Иккичи босқич давомида эса, ёғничлар қувватини ростлаш йўли билан  $T_{Ox} + \delta T_{Ox}$  қийматни ўзгармас ҳолда сақлаш ва қўйумни ЮҲК дан бир оз вакт  $\tau_{CT}$  ўтказиб чиқариш мумкин бўлади. Қўйум ташқарига чиқариландан кейин унинг юзаси талаб қилинган ҳарорат  $T_{Ox}$  гача тез ( $\tau_0$  вактда) совийди ва бу пайтга келиб қўйум кесимидағи ҳароратнинг оғиши  $\Delta T_{Ox}$  қийматдан ортмайди, шунинг учун қиздиришнинг талаб қилинган сифати таъминланади. Бу ҳолатдаги йиғинди вакт  $\tau_{Ox} + \tau_{CT} + \tau_0$  оддий иш ҳолатидаги  $\tau_b + \tau_{CT}$  йиғинидан кичик бўлади ва шунга кўра совитишни икки погонали иш ҳолати афзалроқ бўлиши мумкин. Бунда  $\tau_0$  нинг қиймати  $\delta T_{Ox}$  билан белгиланади. Иш ҳолатини оптималлаш пайтида бу параметрни иш ҳолатининг ўзгартируюладиган параметрни деб қаралиши лозим.

Учинчи синфга методик печлардаги қиздириш ҳолатларини киритиш мумкин (2.5-расм., г).

Классик талқин бўйича печнинг бундай иш ҳолатлари металлининг методик, иккита пайвандланиш ва қизиб тобланиш қисмларидан ўтишини ўз ичига олади. Методик зонада металл қизиган газларнинг ўзгарувчан ҳароратида қиздирилади. Пайвандланиш қисмларида баъзи характерли ва ўзгармас ҳароратлар  $T_{\Gamma 1}$  и  $T_{\Gamma 2}$  ўрнатилади.

Методик печнинг қизитиб тоблаш қисмидаги одатда  $T_{Ox}=\text{const}$  шароити сақланади. ЭҲМ дан фойдаланиш печнинг қизитиб тоблаш ва пайвандланиш қисмларидағи ёқилги сарфини чегаравий шартлар сифатида қабул қилишини ва металлни қиздириш жараёнининг бошидан охиригача характерли узлужсиз қонун  $\phi(t)$  амал қилишини таъминлайди.

Аввал таъкидланганидек, оптималлашнинг турли мезонларини танлаш мумкин. Масалан, оптималлаш мезони сифатида металлни то охирги

Ҳарорат  $T_{ox}$  гача қиздириш учун сарфланадиган минимал вакт қабул қилиниши мүмкін. Бу иш ҳолати кетте ёқилғи сарфи билан амалға ошириліши мүмкін. Бонда ҳолларда оптимальлашынг мезони қилиб ёқилғининг минимал сарфи ва металлнинг минимал қуйиши қабул қилинади. "Аник" иш ҳолатлари маълум, уларда металл массаси учун берилған ўртача ҳароратга нисбатан металл кесимидағи ҳарораттың оғиши минимал қийматда бўлади. ЮХҚнинг иш ҳолати билан ёқилғининг сарфи, металлнинг қуйиши ва курилма унумдорлиги ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олувчи универсал мезон - келтирилган ҳаржатлардир.

Оптимальлашдан мақсад - оптимальлашынг қабул қилинган мезонини минимумлаштирувчи функционал  $\phi(\tau)$  ни топишдан иборат. Кўрилаётган масаланинг хусусиятларига қараб бу функционални ҳисоблашынг классик вариацион усуллари билан ёки Л.С.Понтрагин тақлиф қилған максимумлик принципи ёрдамида аниқлаш мүмкін. Аммо масаланинг аналитик ечимини фақат жуда оддий ҳоллардагина топиш мүмкін. Шунинг учун амалий масалаларнинг оптимал ечимини сонли усуллар асосида топилади.

Оптимальлашынг энг самарали усулларидан бири - тўғри усулдир; унда функционал  $\phi(\tau)$  кетма-кет яхшиланиши (аниқлашыши) нинг интерацион жараёни амалға оширилади. Қиздиришнинг оптимал ҳолатини топиш учун  $\phi(\tau)$  ни ўзgartириш йўли билан оптимальлаш мезонининг глобал (кенг камравли) экстремуми аниқланади.

2.6- расмда ЮХҚ нинг айрим иш ҳолатларида ҳарораттың вактта боғлиқлиги келтирилган.


$\phi(\tau)$  нинг ўзгариш қонунияти қўйидаги эгри чизиқли тенглиқ билан ифодаланиши мүмкін:

$$\phi(\tau) = T_0 + \sigma_1 \tau + \sigma_2 \tau^2 ; \quad (2-11)$$

бунда:  $\sigma_1 = \sigma_2 \tau_{ox} + (T_{ox} - T_0) / \tau_{ox}$  бўлади - иккичи коэффициент ( $\sigma_2$ ) нинг қиймати вакт  $\tau_{ox}/2$  бўлганда юзанинг берилған ҳарорати асосида аниқланади. Масалан,  $T = 0,5 (T_{ox} + T_0)$  бўлса,  $\sigma_2 = 0$  бўлади. Вакт  $\tau_{ox}/2$  бўлган пайтда ҳароратни маълум қийматга ошириб ёки камайтириб,  $\sigma_2$  коэффициенти орқали курилманинг иш ҳолати (2-11) ни ўзgartириши мүмкін.

Бир маромдаги қиздириш ҳолатлари учун (2-11) ни аппроксимация қилиш мүмкін. Умумий ҳолда ифодани учинчи даражали полином билан аппроксимация қилиш лозим. Бу пайтда  $\tau_{ox}/3$  ва  $2\tau_{ox}/3$  вактларга тўғри

келүрчи иккита ҳарорат ўзгартырылади, бу эса вариантлар сонини ва ЭХМ да сарфланадиган вактни кескин ортиради.




2.6- расм. ЮХК да ҳарораттнинг вактга боғлиқлик графиги.

Вактни тежаш учун ўзгартышилар тартибини тажрибани режалаштириш назарияси асосида белгилаш мақсадда мувофиқ бўлади.

2.7- расмда ЮХК нинг иш ҳолатини оптималлаш моделининг схемаси келтирилган. Оптималлаш модели ЮХКнинг математик модели ва оптималлаш блокидан иборат. Оптималлашнинг кириш параметрлари (унумдорлик, ёқилги, хом ашё, қиздириш сифати бўйича шартлар, ёқгичлар куввати ва бошқалар) одатда ўзгартырilmайди, чунки улар ишлаб чиқариш технологияси томонидан ҳатъий белгиланган ёки ЮХК схемасини оптималлаш давомида олинган бўлади. Оптималлаш мезонининг экстремумига жавоб берувчи чиқиш параметрлари ва шунингдек, ёқилги сарфи В, металлнинг куйиши, қиздиришнинг кесим бўйича нотекислиги  $\Delta T_{ox}$  технологик карталарни ишлаб чиқиш учун аҳамиятга эга; улардан ЮХК ишини қўл билан ёки автоматик бошқариш пайтида фойдаланиш мумкин.

## 2.6. ЮХК ни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими (АЛОТ)

XX асрнинг 60 инчи йилларида муҳандислик ижодиётида янги тушунча - автоматик лойиҳалаш тизими - (АЛОТ) пайдо бўлди. Энг аввал у радио электрон саноатида, кейинчалик компьютер техникасида, авиацияда,




2.7-расм. ЮХК иш ҳолатини оптималлаш схемаси

курилши ва автомобилсозлиқда құлтанила бошланди. АЛОТ түшунчасининг маъноси нима ва у замонавий илмий - техник инқилобда қандай ўрин туғади?

Тәріфланиши бүйіча АЛОТ ташкілдік-техник система бўлиб, лойихалашни автоматлаштириш воситалари мажмуддан иборат. АЛОТ ни яратишдан мақсад лойихалаштириладиган обьектларнинг сифатини, техник-иктисодий даражасини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, лойихалаш муддатини, қийматини ва меҳнат сарфини камайтиришидир. АЛОТ нинг асосий вазифаси обьектни лойихалашнинг барча босқичларида автоматик лойихалашни бажаришдан иборат. Шунинг учун АЛОТ анъанавий лойихалаш жараёнини тубдан ўзгариради. Лойихачининг ишчи ўрни сифат жиҳатдан юқсан даражага кўтарилади (2.8- расм).

Автоматлаштирилган ишчи жойлари уларни бошқариш учун маҳсус билгим ва кўнгилмаларга эга бўлишни талаб қиласди. Бу талаблар бутун ташкілот кўламида лойихалаш технологиясини ўзгаришини тақозо этади. Натижада лойихалаш меҳнатининг унумдорлиги анъанавий лойихалаш усулиларига нисбатан 2-5 марта ортади. Демак, мураккаб курилма ёки системани 1-3 йил давомида лойихалаш ўрнига уни 0,5-1,0 йилда тугаллаш мумкин. Бу ҳол фан ва техниканинг жадаллик билан ривожланётган даврда жуда мухимдир. Аммо техник тараққиётта АЛОТ нинг тасири фақат лойихалаш пайтидаги меҳнат унумдорлигини ошириши билан чекланиб қолмайди. АЛОТ нинг ишланини таъминловчи системалар лойихалаштирилаётган курилма қисмлари конструкцияларининг фақат чизмаларини берибгина қолмай, балки рақамли бошқариш дастурига эга бўлған дастгоҳ (станок) лар учун перфоленталарни ҳам тайёрлаб беради. Бу дастгоҳлар автоматлаштирилган ишлаб чиқариш тизими (АИТ) нинг асосини ташкил қиласди. АЛОТ/АИТ нинг ягона мажмуй яратилганда саноатнинг тегишли соҳасидаги ишлаб чиқариш даражаси янги, янада юқори поғонага кўтарилади.

Хозирги пайтда айрим соҳаларда, масалан, радиотехника ва авиацияда, қўлтанилаётган АЛОТлар йирик системанинг айрим қисмлари даражасида ишлатилмоқда. Энергетикада автоматлаштирилган лойихалаш тизими яратилгандан кейин бу соҳада меҳнат унумдорлигининг кескин ўсишини кузатиш мумкин бўлади.



2.8-расм. Машинасознинг автоматлаштирилган ишчи жойи (АИЖ) нинг таркиби.

## 2.7. ЮХҚ АЛОТ ининг таркиби ва тузилиши.

ЮХҚ лар бир-бираидан технологик схемалари, конструкциялари, жойлаштирилиши ва иш ҳолатларининг параметрлари билан кескин фарқ қиласидилар. ЮХҚ нинг ҳар бир тури одатда фақат ўзига хос бўлган хусусиятга эга. Лойихалаш амалиётида барча ЮХҚлар учун намунавий

бўлган ечимлар мавжуд эмас, аммо қурилманинг айрим қисмларини лойиҳалашда амалий синовдан ўтган намунавий ечимлардан фойдаланилади.


ЮҲҚ нинг автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими бу қурилманинг барча ҳусусий томонларини ҳисобга олувчи умумий кўринишда ишлаб чиқилган бўлиши керак. Шу муносабат билан ЮҲҚ тўла АЛОТининг умумий тузилиши схемаси 2.9-расмида келтирилган кўринишга эга бўлиши мумкин. АЛОТ нинг бундай тузилиши ҳар қандай йирик қурилма ёки системани лойиҳалаш учун хосдир.

Келтирилган 2.9- расмдан кўринадики, ЮҲҚ АЛОТининг таркибига турли таъминлаш тизимлари киради. Улар қаторида ташкилий, техник, услубий, лингвистик, ахборот, дастурий ва математик тизимлар бор. Тузилиш таркибida асосий ишловчи ходимларнинг ва автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимини яратиш ва ривожлантириш хизмати ходимларнинг сони назарда тутилган бўлиши лозим.


ЮҲҚ АЛОТининг юқорида келтирилган тузилиши алоҳида таркибий қисмларнинг оддий тўплами эмас, балки бутун системанинг Самарали ишлашини таъминловчи ўзаро боғланган кичик маҳсус системаларнинг ягона мажмуудан иборат. Турли таркибий қисмлар ўртасидаги горизонтал боғланышлар буни тасдиқлайди.

ЮҲҚ нинг АЛОТи турли таркибий қисмлардан иборат бўлиб, (2.10-расм), уларни икки гурухга бўлиш мумкин: ҳисоблаш қисмлари ва чизма қисмлари. Чизма (график) қисмлар меъёрий ҳужжатлар асосида барча турдаги лойиҳалаш ишларини бажаришга мўлжалланган. Бу билан лойиҳалаш пайтидаги иш унумдорлигини ошириш таъминланади. Улар биринчи галда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш муддатларини қисқартиришига қаратилган бўлиб, ишлар кам меҳнат сарф қилинган ҳолда ва юқори сифатли қилиб бажарилади. ЮҲҚ нинг АЛОТида бундай таркибий қисмларнинг сони бир неча ўндан ортиқ бўлиши мумкин, уларнинг ҳар бири муайян конструкция ва системани лойиҳалашга мўлжалланган.

ЮҲҚ нинг АЛОТи таркибига қуйидагилар киради: қурилма реакторини, материални киритиш ва чиқариш тизимларини, регенератив ва рекуператив қурилмаларни, газ йўлларини, қурилиш конструкцияларини, ёрдамчи жиҳозларни ва ЮҲҚ га хизмат кўрсатувчи турли тизимлар (ёқилги, ҳаво, газ ва сув таъминоти)ни лойиҳалаш қисмлари. Уларнинг сони ЮҲҚ нинг мураккаблигига караб ўзгариши мумкин. Одатда ЮҲҚ тўла



**2.9-расм. НОХК ТҮЛА АЛОТ ИНИНГ ИРИКЛАШТИРЛГАН ТҮЗИЛІШ СХЕМАСЫ**



АЛОТининг 10-20% ини ҳисоблаш қисмлари ташкил қилади. Бу қисмни бажариш учун график қисмдагига нисбатан кўпроқ меҳнат сарфланади.

## 2.8. АЛОТ ишланини таъминловчи тизимлар.

ЮҲҚнинг АЛОТи муваффакиятли ишлани учун таъминлаш тизимларининг ягона мажмунин яратиш лозим. У юқори ҳароратли курилмаларни лойиҳалаш амалиётига АЛОТини қўллашни осонлаштиради. Бу тизимлар умумий кўринишида 2.9-расмда келтирилган. Улар ичидаги дастурий ва математик таъминлаш тизимлари асосийлар қаторига киради. Дастурий таъминлаш одатда уч турга бўлинади: системали, муаммоли ва хизмат кўрсатишни таъминлаш. Системали дастурлаш АЛОТ воситалари мажмунининг ишланини ташкил қилиш учун мўлжалланган. У лойиҳаловчини маҳсус мақсадли соҳа дастурлари билан таъминлади. Улар амалий дастурлар тўплами (АДТ) кўрининида яратилган бўлиши ва муайян масалаларни ҳал қилиши, масалан, регенератив ҳаво қиздиргичининг қисмлари чизмасини чизиб бериши ёки металл буюмлар қизитилган пайтдаги иссиқлик ҳисобини бажариб бериши керак. Хизмат кўрсатиш дастури системали ва муаммоли дастурлашга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. У системага хизмат кўрсатишни қулайлаштиради ва осонлаштиради. Унинг ёрдамида, масалан, бошқа турдаги ЭҲМ да ишлаш учун фойдаланиладиган тегишли ахборотни тайёрлаш мумкин (перфо- ва магнит тасмаларини қайта ёзиш, қайта кодлаш ва ҳоказо).

Математик таъминлаш технологик қурилмаларнинг маҳсус математик моделларига ва шунингдек, технологик жараёнларни бошқариш учун мўлжалланган функционал моделларга таянади. Лойиҳалаштирилаётган курилмаларни системали таҳлил қилиш учун ва тегишли дастур алгоритмларини ишлаб чиқиши учун зарур бўлган барча математик усуллар шулар жумласига киради.

Аҳамияти бўйича кейинги ўринда таъминлашнинг техник воситалари туради. Уларга ЭҲМлар, термик мосламалар, алоқа асбоблари, ахборотни акс эттирувчи ва хужжатлаштирувчи воситалар киради. Техник воситаларнинг рўйхати доимо кенгайиб, ўзгариб туради. Системани ташкилий ва услубий жиҳатдан таъминлаш тегишли хужжатлар билан белгиланади; уларда АЛОТ воситаларининг таркиби, танланниш тартиби ва

ишилатилиши акс эттирилади. Таъминлаш воситалари АЛОТ дан фойдаланувчиларни ўқув ва услугий адабиётлар билан таъминлайди, лойиҳачиларнинг техник малакасини опириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади.

ЮҲҚ АЛОТ ини ахборот билан таъминлашни ташкил қилингана алоҳида талаблар қўйилади. ЮҲҚ ни лойиҳалаш учун қўйидаги маълумотлар зарур: меъёрий ва технологик ахборот, топширикларни ифодалаш ва системани бошқариш тилларининг лугати, лойиҳалаш объекти ҳақидаги ахборотлар тўплами, мамлакатимизда ва хорижда ишилатилаётган жиҳозларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар.

Лингвистик таъминлаш лойиҳалаш тилларининг мажмуидан иборат, уларга маҳсус атама ва таърифлар ҳам киради. Асосан уч хил тил фарқ қилинади: дастурлаш тили, лойиҳаланадиган обьект баён қилинадиган тил ва лойиҳалаш жараёни бошқариладиган тил. Маҳсус ишилаб чиқилган муаммоли-йўналтирилган тилдан фойдаланиб, ҳар қандай қурилмани ёки ҳар қандай қисм чизмасини кодлаш (шартли белгилар билан ёзиш) мумкин.

АЛОТ нинг таъминлаш тизимларини яратиш тегишли соҳа учун жуда катта муаммо ҳисобланади, уни амалга ошириш учун мутахассис-войиҳачилар ва мутахассис-программачи (дастурловчи)лар кучини бирлаштириш лозим.

## 2.9.АЛОТни яратиш ва ривожлантириш босқичлари.

АЛОТ тизимини яратиш биринчи галда лойиҳалаш учун кўп миқдорда капитал маблаг ва вақт сарфланадиган қурилмалар учун режалаштирилиши лозим. Юқори ҳароратли қурилма (ЮҲҚ)лар шулар қаторига киради. АЛОТни ишилаб чиқиши жуда қимматга тушиши мумкин, аммо лойиҳалаш пайтида у берадиган афзаликлар барча ҳаражатларни 3-5 йил давомида тўла ҳоллайди.

АЛОТ ривожланишининг учта даражасини фарқлайдилар:

а) кичик моделлар пакети ёрдамида айрим масалаларни ~~чиши~~

б) ЭҲМ ёрдамица маҳсус четки мосламалардан ва берилган катталиклар тўпламидан фойдаланиб ва шунингдек, лойиҳалаш жараёнини ва тегишли чизмаларни акс эттирувчи мосламаларни бошқариш воситаларидан фойдаланган ҳолда йирик лойиҳалаш ишларини бажариш (2.11-расм)

в) лойиҳалаш жараёнини тўла автоматлаштириш, АЛОТ билан бошқа автоматлаштирилган тизимлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, системани ривожлантириш ва уни лойиҳалаштирилаётган обьектга мослаштириш имкониятлари, система бир пайтнинг ўзида кўп хишилар томонидан ишлатилганда тегишли сўзлашув иш ҳолатларини ташкил ҳилиш (2.12-расм)


ЮҲҚнинг АЛОТини яратиш ва ривожлантириш пайтида бир қатор тамойилларга риоя қилиш лозим. Улардан энг муҳими - системанинг бирлиги тамойили (принципи)дир, яъни айрим кичик системалар ўртасидаги алоқалар бутун системанинг яхлитлигини таъминлаши зарур. Ва яна муҳим аҳамиятга эга бўлгани - функционал тўлиқлик принципидир, яъни лойиҳалаш ишларининг барча функцияларини аста-секин компьютерли асосга ўтказиш. Аҳамияти бўйича кейинги ўринларда уланиш (кўшилиш) ва ривожланиш тамойиллари туради.

Келажакда ЮҲҚнинг АЛОТи янада умумий бўлган АЛОТ (масалан, қайта тикланган иссиқликдан фойдаланувчи иссиқлик таъминоти тизими) таркибиغا киритилади, демак, уни шундай тузиш ҳеракки, унда барча таъминлаш турларини кучайтириш ва такомиллантириш (ёки янгилаш) ҳамда АЛОТининг энг юқори ва қуий автоматлаштирилган тизимлари билан ўзаро алоқаси таъминланиши лозим.

АЛОТнинг ривожланиши энг оддий кичик системалардан то мураккаб системаларгача интилиш схемаси бўйича амалга оширилади. Шунинг учун ЮҲҚ АЛОТининг таркибий қисмлари ва кичик системаларини такомиллантириш ва янгилаш пайтида юқорида келтирилган тамойилларга риоя қилиш шарт.

Лойиҳалаш ишининг келажаги автоматлаштирилган тизимларга боғлик. Бу келажакни фақат технолог, лойиҳачи ва АЛОТ соҳаси бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтган дастурчи (программачи)ларнинг биргаликда қилинган маҳнати натижасида яқинлаштириш мумкин.

## ЛОЙИХАЛАШ БОСКИЧЛАРИ



## 2.11-расм. ЛОЙИХАЛАШ СТРАТЕГИЯСИ КЎРИНИШЛАРИ

- Чизиқли;
- Такрорланувчи;
- Тармоқланувчи;
- АКС эттирувчи



2.12-расм. АДИИХАЛОВЧИ БҮЛИМ ТАРКИБИ

## 2.40 Масалалар

1-Масала. Мартен печидан чиқиб кетувчи ёниш маҳсулотларининг физик иссиқлигидан фойдаланиш натижасида ёқилғининг тежалиши аниқлансин. Печининг унумдорлиги  $G=40$  т/соат; йил давомида ишлаш соатларининг сони  $\tau = 8200$  соат; ёқилғи - табий газ, унинг ҳажмий таркиби қўйидагича:  $CH_4 = 95,7\%$ ;  $C_2H_4 = 2,85\%$ ;  $CO_2 = 0,1\%$ ;  $N_2 = 1,85\%$ ; газнинг солиштирма сарфи  $B=115 \text{ m}^3/\text{т}$  пўлат; ёниш маҳсулотларининг регенераторлардан кейинги ҳарорати  $t_p=1073^\circ\text{C}$ ; утилизатор (буғ генератори) дан кейинги ҳарорати -  $t_y=473^\circ\text{C}$ ; кислороднинг сарфи  $V_{O_2}=40 \text{ m}^3/\text{т}$ .

Ёниш маҳсулотларининг регенератордан кейинги ва  $\alpha=1,6$  шароитидаги таркиби:

$$V_{RO_2} = 172,8; V_{H_2O} = 264,8; V_{O_2} = 173; V_{N_2} = 1252.$$

Ёниш маҳсулотларининг буғ генераторидан кейинги ва  $\alpha=1,8$  шароитидаги таркиби:

$$V_{RO_2} = 172,8; V_{H_2O} = 266,0; V_{O_2} = 183; V_{N_2} = 1840.$$

Ечиш. Ёниш маҳсулотларининг энталпиясини аниқлаймиз:

$$I = (V_{RO_2} \cdot C_{RO_2} + V_{H_2O} \cdot C_{H_2O} + V_{O_2} \cdot C_{O_2} + V_{N_2} \cdot C_{N_2}) \cdot (T-273);$$

Ёниш маҳсулотларининг регенератордан кейинги энталпияси:

$$I_{PF} = (172,8 \cdot 2,13 + 264,8 \cdot 1,67 + 1,73 \cdot 1,45 + 1252 \cdot 1,37) \cdot (1073 - 273) = 2,22 \text{ ГЖоул/т. пўлат.}$$

Ёниш маҳсулотларининг буғ генератори (утилизатор)дан кейинги энталпияси:

$$I_y = (172,8 \cdot 1,78 + 266,9 \cdot 1,52 + 183 \cdot 1,33 + 1840 \cdot 1,3) \cdot (473 - 273) \cdot 10^{-6} = 0,675 \text{ ГЖоул/т. пўлат.}$$

Чиқиб кетувчи ёниш маҳсулотларининг йишилик иссиқлиги:

$$G \cdot \tau \cdot I_{PF} = 40 \cdot 8200 \cdot 2,22 = 728 \cdot 10^3 \text{ ГЖоул/йил.}$$

Буғ генератори (утилизатори)да ёниш маҳсулотлари хисобига ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган иссиқлик майдори:

$$Q_H = G \cdot \tau \cdot I_{PF} (i_1 - i_2) \beta (1 - \xi) \cdot 10^3, \text{ ГЖоул/йил.}$$

бунда :  $\beta$  - иссиқлик манбай ва утилизатор иш ҳолатлари ва иш соатларининг ўзаро мос келмаслигини хисобга олуви чоғириклини,  $\beta=0,7$ ;

$\xi$  - атроф-мухитга йўқотилаётган иссиқликни ҳисобга олувчи коэффициент,  $\xi=0,15$ .

$$Q_{\text{И}} = 728 \cdot 10^3 (2,22 - 0,675) \cdot 0,7 \cdot 0,85 = 672,5 \cdot 10^3 \text{ Гжоул/йил.}$$

Тежалган шартли ёқилиғи:

$$0,0342$$

$$B_{\text{TBЖ}} = \frac{\eta_y \delta}{\eta_y \delta} \cdot Q_{\text{И}} ;$$

$$\eta_y \delta$$

бунда:  $\eta_y \delta$  - ўрни босиладиган энергетик қурилманинг ёқилиғи иссиқлигидан фойдаланиш коэффициенти,  $\eta_y \delta = 0,8$ .

$$0,0342$$

$$B_{\text{TBЖ}} = \frac{0,8}{0,8} \cdot 672,5 \cdot 10^3 = 28748 \text{ т.}$$

**2-Масала.** Газ билан тўлдирилган печнинг таг қисмида металл қиздирилади. Печ таг қисми ўлчамлари  $1 \times 1,5$  м; унинг 90% қисми қоралик даражаси  $\epsilon_M = 0,8$  бўлган металл билан банд. Металдан печнинг тепа қисмигача бўлган баландлик 0,95 м. Газнинг таркибида 18%  $\text{CO}_2$  ва 12%  $\text{H}_2\text{O}$  мавжуд, унинг ҳарорати  $1200^\circ\text{C}$ . Металл ҳарорати  $800^\circ\text{C}$  бўлганда газ ва девор қопламасидан металлга нурланинг оқимининг зичлиги аниқлансин.

**Ениш.** 1. Нурнинг эффектив узунлиғи:  $S_{\text{ЭФ}} = 3,6 \text{ V}/\Sigma F$

бу ерда: V- газнинг ҳажми;  $\Sigma F$  - уни чегараловчи юзалар йигиндиси.

$$1 \cdot 1,5 \cdot 0,95$$

$$S_{\text{ЭФ}} = 3,6 \frac{1 \cdot 1,5 \cdot 0,95}{2 [(1 + 1,5)0,95 + 1 \cdot 1,5]} = 0,526 \text{ , м.}$$

Куйидаги жатталикларни ҳисоблаймиз:

$$P_{\text{CO}_2} \cdot S_{\text{ЭФ}} = 18 \cdot 0,526 = 9,47 \text{ кПа}\cdot\text{м};$$

$$P_{\text{H}_2\text{O}} \cdot S_{\text{ЭФ}} = 12 \cdot 0,526 = 6,31 \text{ кПа}\cdot\text{м}$$

Бу берилганлар асосида номограммадан қуйидагиларни топамиз:

$$\epsilon_{\text{CO}_2} = 0,095; \quad \epsilon_{\text{H}_2\text{O}} = 0,075; \quad \eta = 1,08.$$

Газнинг қоралик даражасини ҳисоблаймиз:

$$\epsilon_T = 0,095 + 1,08 \cdot 0,075 = 0,17$$

2. Девор - металл учун бурчак коэффициенти:

$$\Phi_{KM} = \frac{F_M}{F_K} = \frac{0,9 \cdot 1 \cdot 1,5}{2(1 + 1,5) \cdot 0,95 + 1 \cdot 1,5} = 0,216$$

3. Нурланиш оқидми:

$$Q_{r1} = \varepsilon_r \varepsilon_1 \frac{\Phi_{21} (1 + \varepsilon_r) + 1}{\Phi_{21} (1 - \varepsilon_r) [\varepsilon_1 + \varepsilon_r (1 - \varepsilon_1)] + \varepsilon_r} \cdot \sigma_o F_1 (T_r^4 - T_1^4);$$

Бу ифодага биноан газ ва девордан металлігә нурланишиннің көлтирилган коэффициенті күйидеги тенг:

$$\sigma_{GDM} = \frac{0,17 \cdot 0,8 [0,216 (1 - 0,17) + 1] \cdot 5,7 \cdot 10^{-8}}{0,216(1 - 0,17) [0,8 + 0,17(1-0,8)] + 0,17} = 3,1 \cdot 10^{-8} \text{Bt/m}^3 \cdot \text{K}^4$$

Металлға нурланиш оқидминнің зерттегі:

$$q_M = \frac{Q_M}{F_M} = 3,1 \cdot 10^{-8} (1473^4 - 1073^4) = 104847 \text{ Bt/m}^2$$

## 1-Масалани ЭХМда ечиш программаси

```
uses printer;
var
  G, Tau, T, Tp, VRO2, VH2O, VO2, VN2, VVRO2, VVH2O, VVO2, VVN2, Ip, I,
  Q, PPP, BETA, B, KPDz: real;
begin
  writeln('      B E R I L G A N L A R :');
  writeln(lst,'      B E R I L G A N L A R :');
  writeln();
  writeln(lst);
  write('Pechning unum dorligini kiriting, tonna/soat, G = ');
  readln(G);
  write(lst,'Pechning unum dorligini kiriting: G = ');
  writeln(lst,G:3:2,'tonna/soat');
  write('Pech yil davomida ishlash soatlarining sonini kiriting: Ty = ');
  readln(Tau);
  writeln(lst,'Pech yil davomida ishlash soatlarining sonini ');
  writeln(lst,'kiriting: Ty = ',Tau:5:2,' soat');
  writeln('Yonish mahsulotlarining regeneratoridan keyingi ');
  write('haroratini kiriting, gradus C, T = ');
  readln(T);
  writeln(lst,'Yonish mahsulotlarining regeneratoridan keyingi ');
  writeln(lst,'haroratini kiriting: T = ',T:4:2,' gradus C');
  writeln('Yonish mahsulotlarining utilizatoridan keyingi ');
  write('haroratini kiriting, gradus C, Tp = ');
  readln(Tp);
  writeln(lst,'Yonish mahsulotlarining utilizatoridan keyingi ');
  writeln(lst,'haroratini kiriting: Tp = ',Tp:4:2,' gradus C');
  writeln();
  writeln(lst);
  writeln('      Yonish mahsulotlarining regeneratoridan keyingi ');
  writeln('      ALFA=1,6 bo'lganagi tarkibini kiriting: ');
  writeln(lst,'      Yonish mahsulotlarining regeneratoridan keyingi ');
  writeln(lst,'      ALFA=1,6 bo'lganagi tarkibini kiriting: ');
  write ('VRO2 = ');
  readln(VRO2);
  writeln(lst,'VRO2 = ',VRO2:4:1);
  write ('VH2O = ');
  readln(VH2O);
  writeln(lst,'VH2O = ',VH2O:4:1);
  write ('VO2 = ');
  readln(VO2);
```

```

writeln(lst,'VO2 =',VO2:4:1);
write ('VN2 = ');
readln(VN2);
writeln(lst,'VN2 =',VN2:4:1);
writeln;
writeln(lst);
writeln('      Yonish mahsulotlarining parogeneratorordan keyingi ');
writeln('      ALFA=1,8 bolgandagi tarkibini kirititing: ');
writeln(lst,'      Yonish mahsulotlarining parogeneratorordan keyingi ');
writeln(lst,'      ALFA=1,8 bolgandagi tarkibini kirititing: ');
write ('VRO2 = ');
readln(VVRO2);
writeln(lst,'VRO2 =',VVRO2:4:1);
write ('VH2O = ');
readln(VVH2O);
writeln(lst,'VH2O =',VVH2O:4:1);
write ('VO2 = ');
readln(VVO2);
writeln(lst,'VO2 =',VVO2:4:1);
write ('VN2 = ');
readln(VVN2);
writeln(lst,'VN2 =',VVN2:4:1);
writeln;
writeln(lst);
write ('Kirititing: beta = ');
readln(BETA);
writeln (lst,'Kirititing: beta = ',BETA:2:2);
write ('Kirititing: psi = ');
readln(PPP);
writeln (lst,'Kirititing: psi = ',PPP:2:2);
write ('Kirititing: FIK = ');
readln(KPDz);
writeln (lst,'Kirititing: FIK = ',KPDz:2:2);
writeln;
writeln(lst);
writeln('      HISOB LASH   NATIJALAR I:');
writeln(lst,'      HISOB LASH   NATIJALAR I:');
writeln;
writeln(lst);
Ip:=(VRO2*2.13+VH2O*1.67+VO2*1.45+VN2*1.37)*(T-273)*0.000001;
I:=(VVRO2*1.78+VVH2O*1.52+VVO2*1.33+VVN2*1.3)*(Tp-273)*0.000001;
writeln('Yonish mahsulotlarining regeneratordan keyingi ');
writeln('entalpiyasi:           Ip = ',Ip:2:2,' GDj/tonna');

```

```

writeln(lst,'Yonish mahsulotlarining regeneratoridan keyingi ');
writeln(lst,'entalpiyasi:           Ip = ',Ip:2:2,' GDj/tonna');
writeln('Yonish mahsulotlarining parogeneratoridan keyingi ');
writeln('entalpiyasi:           I = ',I:3:3,' GDj/tonna');
writeln(lst,'Yonish mahsulotlarining parogeneratoridan keyingi ');
writeln(lst,'entalpiyasi:           I = ',I:3:3,' GDj/tonna');
writeln('Chiqib ketuvchi yonish mahsulotlarining yillik ');
writeln('issiqligi:             G*Ty*Ip = ',G*Tau*Ip:8:1,' GDj/yil');
writeln(lst,'Chiqib ketuvchi yonish mahsulotlarining yillik ');
writeln(lst,'issiqligi:             G*Ty*Ip = ',G*Tau*Ip:8:1,' GDj/yil');
Q := G*Tau*Ip*(Ip-1)*BETA*(1-PPP);
writeln('Bug generatori (utilizatori)da yonish mahsulotlari ');
writeln('hisobiga ishlab chiqarilishi mumkin bulgan ');
writeln('issiqlik miqdori:       Q = ',Q:8:1,' GDj/yil');
writeln(lst,'Bug generatori (utilizatori)da yonish mahsulotlari ');
writeln(lst,'hisobiga ishlab chiqarilishi mumkin bulgan ');
writeln(lst,'issiqlik miqdori:       Q = ',Q:8:1,' GDj/yil');
B := 0.0342*Q/KPDZ;
writeln('Tejalgan shartli yoqilgi:   B = ',B:8:2,' tonna');
writeln(lst,'Tejalgan shartli yoqilgi:   B = ',B:8:2,' tonna');
readln;
end.

```

## 2-Масалани ЭХМда очиш программаси

```

uses printer;
var
a, b, H, permet, Em, KPD, ECO 2, EH2O, Er, fi, psi, q, PCO2, PH2O:real;
perCO2, perH2O, Tgas, Tkladka, S: real;
begin
writeln('      B E R I L G A N L A R :');
writeln(lst,'      B E R I L G A N L A R :');
writeln;
writeln(lst);
writeln ('Kirish ulchamlarini kiriting, metr, a x b x h :');
write ('a (metr) =');
readln(a);
writeln (lst,'Kirish ulchamlarini kiriting, metr, a x b x h :');
writeln (lst,'a = ',a:2:2,' metr');
write ('b (metr) =');
readln(b);
writeln (lst,'b = ',b:2:2,' metr');
write ('Metall tepasidagi balandlikni kiriting, metr, h = ');

```

```

readln (H);
writeln(lst,'Metall tepasidagi balandlikni kirititing: h = ',H:2:2,' m etr');
write ('Yolning qancha qismi metall bilan band ?, % ');
readln (perm et);
writeln(lst,'Yolning qancha qismi metall bilan band ? ',perm et:3:1,' % ');
write ('Metalning qoralik darajasini kirititing, Em = ');
readln(Em);
writeln(lst,'Metalning qoralik darajasini kirititing: Em = ',Em:2:2);
write('Gaz tarkibidagi CO2 miqdorini kirititing, ( % ), PCO2 = ');
readln(perCO2);
write(lst,'Gaz tarkibidagi CO2 miqdorini kirititing: PCO2 = ');
writeln(lst,perCO2:2:1,' % ');
write('Gaz tarkibidagi H2O miqdorini kirititing, ( % ), PH2O = ');
readln(perH2O);
write(lst,'Gaz tarkibidagi H2O miqdorini kirititing: PH2O = ');
writeln(lst,perH2O:2:1,' % ');
write ('Gazning haroratini kirititing, gradus C, Tgaz = ');
readln(Tgas);
writeln(lst,'Gazning haroratini kirititing: Tgaz = ',Tgas:5:1,' gradus C');
write ('Kladka haroratini kirititing, gradus C, T = ');
readln(Tkladka);
writeln(lst,'Kladka haroratini kirititing: T = ',Tkladka:5:1,' gradus C');
writeln;
writeln(lst);
writeln(' H I S O B L A S H N A T I J A L A R I : ');
writeln(lst,' H I S O B L A S H N A T I J A L A R I : ');
writeln;
writeln(lst);
S:=3.6*a*b*H/(2*((a+b)*H+a+b));
writeln('Nurning effektiv uzunligi: S = ',S:3:3,' metr');
writeln(lst,'Nurning effektiv uzunligi: S = ',S:3:3,' metr');
PCO2:=perCO2*S;
PH2O:=perH2O*S;
writeln('PCO2 * S = ',PCO2:3:2,' kPa*metr');
writeln('PH2O * S = ',PH2O:3:2,' kPa*metr');
writeln(lst,'PCO2 * S = ',PCO2:3:2,' kPa*metr');
writeln(lst,'PH2O * S = ',PH2O:3:2,' kPa*metr');
writeln('Bu berilganlar asosida nomogramm adan kiritilsin : ');
writeln(lst,'Bu berilganlar asosida nomogramm adan kiritilsin : ');
write(ECO2 = '');
readln(ECO2);
writeln(lst,ECO2 = ',ECO2:1:3);
write('EH2O = ');

```

```

readln(EH2O);
writeln(lst,EH2O = ',EH2O:1:3);
write(FIK = );
readln(KPD);
writeln(lst,FIK = ',KPD:1:2);
Er:=ECO 2+KPD*EH2O;
writeln('Gazning qoralik darajasi: Er = ', Er:3:2);
writeln(lst,'Gazning qoralik darajasi: Er = ', Er:3:2);
fi:=0.01*perm et*a*b/(2*(a+b)*H+a*b);
writeln('Metall-kladkaning burchak koeficienti: fi = ',fi:3:3);
writeln(lst,'Metall-kladkaning burchak koeficienti: fi = ',fi:3:3);
psi:=Er*Em*(fi*(1+Er)+1)*0.000000057/(fi*(1-Er)*(Em+Er*(1-Em))+Er);
write('Kladkadan metalga nurlanish koeficienti: ');
writeln('psi = ',psi:2:10,' Vt/m 3K4');
writeln(lst,'Kladkadan metalga nurlanish koeficienti: ');
writeln(lst,'psi = ',psi:3,' Vt/m 3K4');
q:=psi*((exp(4*ln(Tgas+273)))-(exp(4*ln(Tkladka+273))));
writeln('Metal nurlanish oqimi zichligi: q = ',q:2:2,' Vt/m2');
writeln(lst,'Metal nurlanish oqimi zichligi: q = ',q:2:2,' Vt/m2');
readln;
end.

```

## АДАБИЁТ

1. Алимбаев А.У. "Саноатдаги иккиламчи энергия манбалари". ўкув кўлтанимаси. Тошкент, ТошДТУ, 1996 , 72 бет .
2. Бельский В.И., Сергеев Б.В. "Промышленные печи и трубы" М.: Стройиздат, 1974 .
3. Кривандин В.А., Марков Б.Л. Металлургические печи М.: Металлургия, 1977.
4. Перелетов И.И., Бровкин Л.А., Розенгард Ю.И., Ключников А.Д., Морозов И.П. и др. Высокотемпературные теплотехнологические процессы и установки. М: Энергоатомиздат , 1989.
5. Щужин А.А. Промышленные печи и газовое хозяйство заводов. М. Энергия ,1973 .

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	4
<b>Биринчи бөб. Юқори ҳароратли қурилмалардаги иссиқлик алмашуви жарайларининг аналитик тенгламалари</b>	
1.1 ЮХҚ ларда иссиқлик алмашувини ташкил қилиш .....	5
1.2 Ички ва ташки иссиқлик алмашуви .....	8
1.3. Юқори ҳароратли қурилмаларда иссиқлик алмашувининг ҳолатлари .....	8
1.4. ЮХҚ ларнинг ишчи бўшлиғида бир текисдатсанган ташки иссиқлик алмашуви .....	10
1.5. Йўналтирилган ва билвосита амалга ошириладиган нурланниши (радиацион) иссиқлик алмашуви .....	13
1.6. Зич (фильтрловчи), юқоридан тушувчи ва маҳум қайнаётган материал қатламидаги ташки иссиқлик алмашуви.....	14
1.7. Ташки юзанинг ҳарорати $t_M = 0$ қонунияти асосида ўзгарган пайтда буюмларни қиздириши .....	17
1.8. ЮХҚларда буюмларни ўзгармас ҳароратда қиздиришини ҳисоблаш.....	18
1.9. ЮХҚда метални ўзгарувчан ҳароратда қиздиришини ҳисоблаш.....	20
1.10. Кизиган газлар рециркуляцияси (қайта киритилиши) ва ЮХҚларининг иссиқлик самарадорлигини ошириш .....	23
<b>Иккичи бөб. Юқори ҳароратли техник жарайларни моделлани</b>	
2.1. Асосий тушунчалар.....	25
2.2. Юқори ҳароратли қурилмалар ишлашини математик моделлани босқичлари.....	29
2.3. ЮХҚлар математик моделининг тузилиши.....	31
2.4. ЮХҚ, реактори математик моделининг асосий тенгламалари.....	35
2.5. ЮХҚ нинг иш ҳолатини ЭҲМ да оптималлаш.....	39
2.6. Автоматлантирилган лойиҳалаш тизими-АЛОТ(САПР).....	43
2.7. ЮХҚ АЛОТининг таркиби ва тузилиши.....	46
2.8. АЛОТ ишлашини тъминловчи тизимлар .....	50
2.9. АЛОТ (САПР)ни яратиш ва ривожлантириш босқичлари.....	51
2.10. Масалалар .....	55
Адабиёт .....	62

Босишга рухсат этилди 18.03.2002 й.. Бичими 60x84 1/16.

Шартли босма табоги 4. Нашр-хисоб босма табоги 4.

Нусхаси 50 дона. Шартнома № 251.

ТДТУ босмахонасида чол этилди. Тошкент ш. Талабалар кўчаси, 54